



Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюро

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВЛАРИ

2014 йил 21 декабрь

ЕХҲТ/ДИИХБ Сайловларни кузатиш бўйича чекланган
миссиясининг якуний ҳисоботи



Варшава
2015 йил 24 февраль

МУНДАРИЖА

I.	ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ	1
II.	МУҚАДДИМА ВА ТАШАККУРНОМАЛАР	3
III.	МАВЖУД ВАЗИЯТ	4
IV.	САЙЛОВ ТИЗИМИ ВА ҲУҚУҚИЙ-МЕЪЁРИЙ АСОС	4
	A. Сайлов тизими	4
	B. Ҳуқуқий-меъёрий асос	5
V.	САЙЛОВ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ.....	7
VI.	САЙЛОВЧИЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ.....	10
VII.	НОМЗОДЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ	12
VIII.	САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТ.....	14
IX.	САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТНИНГ МОЛИЯЛАШТИРИЛИШИ	15
X.	ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ.....	16
	A. Ҳуқуқий-меъёрий асос ва ОАВ муҳити.....	16
	B. ОАВ мониторинги натижалари.....	17
XI.	ШИКОЯТЛАР ВА АППЕЛЯЦИЯ	19
XII.	ЖАМОАТЧИЛИК ВА ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР	19
XIII.	САЙЛОВ КУНИ ВА НАТИЖАЛАРНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ	20
XIV.	ТАВСИЯЛАР	22
	A. Бирламчи тавсиялар	22
	B. Бошқа тавсиялар	23
	ИЛОВА: ЯКУНИЙ САЙЛОВ НАТИЖАЛАРИ	26
	ЕХХТ/ДИИХБ ҲАҚИДА.....	27

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВЛАРИ
2014 йил 21 декабрь

**ЕХХТ/ДИИХБ Сайловларни кузатиш бўйича чекланган миссиясининг якуний
ҳисоботи¹**

I. ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг расмий таклифига асосан ҳамда Эҳтиёжларни баҳолаш миссияси тавсияларига таянган ҳолда, ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ЕХХТ/ДИИХБ) сайловларни кузатиш бўйича чекланган миссиясини (СКЧМ) 2014 йилнинг 21 декабрь куни бўлиб ўтган парламент сайловларига юборди.

Ўзбекистондаги умумий сиёсий иқлим барқарорлик ва хавфсизлик масалаларига расмий жиҳатдан демократик ислохотларга фақатгина “қадам-бақадам ёндашув”ни талаб қилувчи ўта муҳим вазифалар сифатида қараш натижасида ҳанузгача қаттиқ назорат остида қолмоқда. Сўнги пайтларда қонунчиликка киритилган тузатишлар, катта бўлмаган маъмурий яхшиланишлар билан биргаликда ҳамда барча сиёсий партиялар томонидан ёшроқ номзодларни қўйиш сиёсий партиялар ва парламентнинг ролини кучайтириш борасида қўшилаётган ҳисса сифатда тавсифланмоқда ҳамда янада рақобатлироқ сиёсий иқлим учун имкониятлар яратмоқда. Аммо улар халқаро мажбуриятлар ва меъёрларга тўлиқ мос келиши учун сайловларга ўта муҳим бўлган асосий эркинликлар билан боғлиқ бўлган асосий муаммоларни ҳал этмайди.

Сайловлар билан боғлиқ қонунчиликка киритилган тузатишлар ЕХХТ/ДИИХБнинг аввалги бир нечта тавсияларини инобатга олган ва сайловолди тадбирлар ва овоз бериш тартиблари борасида батафсилроқ қоидалар киритилди. Шу билан бирга, аввалги бир қанча тавсиялар, жумладан, фикрни эркин ифода этиш ва уюшмаларга тегишли бўлган тавсиялар тадбиқ этилгани йўқ. Бундан ташқари, мустақил номзодларга сайловларда иштирок этиш таъқиқи, номзодларнинг яшаш жойига оид чекловлар ва маҳкум этилган шахсларнинг сайлов ҳуқуқларини чеклаш ҳанузгача сақланиб қолмоқда. Буларнинг натижасида, сайлов муҳити чегараланганлигича қолмоқда ва овоз берувчиларга кенгроқ ва муқобил танлов имкониятини берувчи янги ташаббусларга йўл қўймайди.

Марказий Сайлов Комиссияси (МСК) сайловлар учун техник тайёргарликни малакали равишда олиб борди ва барча белгиланган муддатларга риоя қилди. МСК ўз ишида транспарентлик даражасини ошириш ва сайловлар ҳақида оммани хабардор қилиш борасида фаол чоралар кўрди. Шу билан бирга, сайлов жараёни ҳақидаги баъзи муҳим маълумотларни эълон қилишда жиддий кечикишлар бўлди ва ушбу маълумотларнинг баъзиси умуман оммага эълон қилинмади, бу эса жараённинг очиклигини чеклаб қўйди. МСК қарорларидаги аниқлик ва батафсилликнинг етишмаслиги ҳамда амалий ўқитишнинг етарли даражада эмаслиги сайловда иштирок этган расмийлар томонидан, хусусан сайлов участкалари даражасида, ҳуқуқий меъёрларнинг тенг равишда амалга оширилмаслигига олиб келди.

Сайловда иштирок этиш учун номзодлар сиёсий партиялар томонидан тавсия қилиниши керак эди. МСК бўлғуси рақиблар томонидан тақдим этилган қўллаб-қувватловчи имзолар намуналарини текшириб чиқди ва ҳеч қандай муаммо йўқлиги ҳақида ҳисобот берди.

¹ Ушбу ҳисоботнинг инглиз тилидаги нусхаси ягона расмий ҳужжатдир. Норасмий таржималар ўзбек ва рус тилларида мавжуд.

Умумий ҳисобда 535 номзодларга эга бўлган тўрт партия сайловларда иштирок этди, буларнинг ичига кўплаб бошқа камчилик миллат вакилларини ташкил этувчи номзодлар ҳам кирди.

Сайловчиларни рўйхатга олувчи марказий реестр бўлмаган ва овоз бериш ҳуқуқига эга сайловчилар ўзларининг доимий ёки вақтинчалик яшаш жойларига мувофиқ сайловчилар рўйхатига киритилдилар. Сайловчилар рўйхати сифати сайлов иштирокчилари томонидан сўроқ остига олингани йўқ, аммо сайловчилар ягона рўйхатининг йўқлиги эҳтимолий кўп бора рўйхатдан ўтишга йўл қўймаслик чораларига тўсиқ бўлди. Турли участка сайлов комиссиялари (УСК) ва жамоатчилик вакиллари рўйхатларга киритиш ёки улардан чиқариш учун ҳар хил қоидаларни қўллаганликлари ҳақида маълумот бердилар. Овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган ҳамда хорижда истиқомат қилувчи сайловчиларнинг қанчаси мамлакат ичидаги сайловчилар рўйхатида бўлганлигини аниқлашнинг иложи бўлмади.

Умуман олганда, сайловолди ташвиқот тадбирлари лоқайдлик руҳида ўтказилди ва гарчи ушбу тадбирлар сони сайлов кунига яқин кўпайса ҳам, номзодлар ўртасидаги жиддий ва ҳақиқий баҳс-мунозараларнинг етишмаслиги билан ажралиб турди. Сайловларда иштирок этган тўрт сиёсий партиялар, ҳар бири Ўзбекистон жамиятидаги тўрт асосий бўғимни ифода этишлари учун ташкил этилгандирлар. Бу маънода улар ўзаро рақиб эмас, балки бир-бирларини тўлдириб турдилар.

Аёллар, одатда, сайлов бошқарув маъмуриятида етарли даражада иштирок этганлари йўқ, хусусан юқорида даражаларда; МСК аъзоларининг 18дан фақат 3тасигина аёллардан ташкил топди. Сиёсий партиялар қонунда мажбурий белгиланган 30 фоиздан бир оз кўпроқ аёл номзодларни тавсия қилдилар.

Хорижий оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик юритувчи барча ОАВ ва журналистлар учун қўйилган рўйхатга олиш ва аккредитация қилиш талаблари ҳамда Интренет тармоғининг эркинлигига аралашиб ОАВ ичида кўп фикрлиликнинг йўқлигига олиб келди. Ёлғон маълумотларни, жумладан номзодлар ҳақида, тарқатишни таъқиқловчи қоидалар тўхмат учун жиноий жавобгарликка тортиш борасидаги низомлар билан биргаликда ОАВ томонидан сайлов масалалари бўйича тўлақонли жамоатчилик мунозараларини олиб борилишига тўсқинлик қилди. МСК ўзининг ҳуқуқий мажбуриятига мувофиқ давлат оммавий ахборот воситаларида катта ҳажмда бепул эфир вақтини ва майдонини ажратиб, уларни беллашувчи сиёсий партиялар ўртасида тенг равишда бўлиб берди. Ажратилган эфир вақти, ижобий равишда, номзодлар ўртасидаги оммавий баҳс-мунозараларни ҳар ҳафтада эфирга узатишни ўз ичига олди. Шу билан бирга, ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ кузатилган барча оммавий ахборот воситаларида босма матбуот томонидан сайловолди ташвиқот тадбирларининг етарли даражада ёритилмаганлигини қайд этди.

Сайлов соҳасидаги низоларни ҳал қилиш тизими кўп жиҳатдан текширилмаган. Масалаларни расмий воситалар орқали эмас, балки норасмий йўл билан ҳал этиш умумий даражада афзал кўрилади. МСК, сайлов участкалари ва судларга сайлов кунидан олдин сайлов жараёнига оид ҳеч қандай расмий шикоятлар келиб тушмади.

ЕХХТ/ДИИХБнинг СКЧМ учун андазавий услубиятига мувофиқ, миссия ўз таркибига қисқа муддатли кузатувчиларни киритмади ҳамда сайлов кунидаги жараёнларни атрофлича ёки тизимли равишда кузатиб бормади. Шундай бўлса-да, миссия аъзолари сайлов участкаларининг чекланган сонини зиёрат қилдилар ва баъзи участкаларда натижалар сарҳисоб қилинишини кузатдилар. Кузатилган жойларда овоз бериш ва уларни ҳисоблаш асосан самарали ва очиқ тарзда олиб борилди. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ кузатувчилари бориб кўрилган сайлов участкаларининг деярли барчасида бир неча сайловчилар номидан

ишончнома асосида овоз бериш амалиёти, тенг сайлов ҳуқуқи тамойилига зарар етказган ҳолда, кенг қўлланилганлигини ва бунга йўл қўйиб берилганлигини қайд этдилар. Ушбу амалиёт сайловларга келувчилар фоизига таъсир кўрсатди. Кузатув олиб борилган участкаларда овозларни санаш яхши ташкиллаштирилган бўлиб кўринса-да, баъзи жойларда жиддий процессуал камчиликлар ҳам қайд этилди. Гарчи батафсил процессуал йўл-йўриқлар мавжуд бўлмаса-да, ташриф этилган чекланган миқдордаги сайлов участкаларида овозларни санаш очиқ тарзда амалга оширилди.

МСК 300дан ортиқ халқаро кузатувчиларга аккредитация берди, сайловларда беллашувчи партиялар эса сайлов куни ўзларининг 70 000дан ортиқ вакиллариини жалб қилдилар. Шундай бўлса-да, ЕХХТ/ДИИХБнинг аввалги тавсияларига қарамай ҳамда ЕХХТнинг 1990 йилда Копенгагенда қабул қилинган ҳужжатида зид равишда, қонунчиликда жамоат ташкилотлари томонидан кузатув олиб борилиши таъминланмаган, бу эса жараённинг очиқлигини чеклайди.

II. МУҚАДДИМА ВА ТАШАККУРНОМАЛАР

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг расмий таклифига асосан ҳамда 28-30 октябрь кунлари ўтказилган Эҳтиёжларни баҳолаш миссияси тавсияларига таянган ҳолда, ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ЕХХТ/ДИИХБ) сайловларни кузатиш бўйича чекланган миссиясини (СКЧМ) 2014 йилнинг 21декабрь куни бўлиб ўтган парламент сайловларига юборди. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМга Элчи Даан Эвертс (Daan Everts) бошчилик қилди, унинг таркибига Тошкентда фаолият олиб борган 12 нафар мутахассис ва мамлакат бўйлаб сафарбар этилган 8 нафар узоқ муддатли кузатувчилар (УМК) кирди. Миссия аъзолари ЕХХТга аъзо 16та давлатнинг вакилларииндан ташкил топди.

ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ сайлов жараёнининг демократик сайловлар бўйича ЕХХТ доирасидаги мажбуриятларга, бошқа халқаро мажбуриятлар ва меъёрларга ҳамда миллий қонунчиликка жавоб беришини баҳолади. ЕХХТ/ДИИХБнинг СКЧМ учун андазавий услубиятига мувофиқ, миссия ўз таркибига қисқа муддатли кузатувчиларни киритмади ҳамда сайлов кунидаги жараёнларни атрофлича ёки тизимли равишда кузатиб бормади. Шундай бўлса-да, миссия аъзолари сайлов участкаларининг чекланган сонини зиёрат қилдилар ва баъзи участкаларда натижалар сарҳисоб қилинишини кузатдилар. Бир вақтнинг ўзида ўтказилган маҳаллий сайловлар ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ томонидан фақатгина уларнинг парламент сайловларига умумий таъсири доирасида кузатилди. Ушбу якуний ҳисобот 2014 йил 22 декабрь куни матбуот анжуманида эълон қилинган Дастлабки натижалар ва хулосалар Баённомасига асослангандир.²

ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ сайловларни кузатишга таклифи учун Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига ўз миннатдорчилигини изхор этади, шунингдек, кўрсатган ёрдамлари ва ҳамкорликлари учун Ташқи ишлар вазирлигига (ТИВ), Марказий сайлов комиссиясига (МСК), миллий ва маҳаллий бошқарув органларига ҳамда номзодларга, сиёсий партияларга ва фуқаролик жамияти ташкилотларига ташаккурнома билдирадидилар. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ шунингдек Тошкент шаҳридаги ЕХХТ Лойиҳаси мувофиқлаштирувчисига, ЕХХТ иштирокчи давлатларининг дипломатик ваколатхоналарига ва халқаро ташкилотларга миссия фаолияти давомида кўрсатган ёрдамлари ва ҳамкорликлари учун ўз миннатдорчилигини билдиради.

² ЕХХТ/ДИИХБнинг Ўзбекистон бўйича аввалги ҳисоботлари билан қуйидаги манзилда танишиш мумкин: www.osce.org/odihr/elections/uzbekistan.

III. МАВЖУД ВАЗИЯТ

Ўзбекистондаги расмий сиёсат демократик ислохотларни ушбу мамлакатга хос бўлган тарихий ва маданий муҳитдан келиб чиққан ҳолда “қадам-бақадам” ёндашуви орқали амалга оширишга риоя қиладилар. Бундан ташқари, жуғрофий-сиёсий омиллар натижасида, хусусан минтақадаги нотинчликлар ва хавфсизлик муаммолари сабабидан кучайган хавфсизлик ва барарорлик борасидаги бирламчи ташвиш мавжуд бўлиб, бу вазият сиёсий жараёнларни онгли равишда қаттиқ назорат остига олиш заруратига олиб келди.

Ушбу вазиятда, 2014 йилда бўлиб ўтган парламент сайловлари бўлғуси демократлаштириш сари қўйилган қўшимча қадам сифатида кенг равишда тақдим этилди. Бош вазир номзоди парламентда энг кўп овозга эга бўлган партия томонидан қўйилишини таъминловчи 2014 йилдаги конституцияга киритилган тузатиш ҳисобга олинадиган бўлса, мазкур сайловлар сиёсий партиялар ва парламент ролини кучайтиришга қўшилган ҳисса ҳамда янада рақобатлироқ сиёсий муҳит учун яратилган имкон сифатида тавсифланди.

Парламентдаги ваколоти якунига етган қуйи палата (*Олий Мажлис*) таркибига Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (ЎзЛиДеП) 51 ўрин билан, Ўзбекистон *Миллий Тикланиш* Демократик партияси (Миллий Тикланиш) 30 ўрин билан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси (ХДП) 29 ўрин билан ҳамда Ўзбекистон *Адолат* Социал-демократик партияси (Адолат) 15 ўрин билан кирган. Қонунга мувофиқ 15та қўшимча ўринлар Ўзбекистон Экологик ҳаракати (Экоҳаракат) ажратилган.

IV. САЙЛОВ ТИЗИМИ ВА ҲУҚУҚИЙ-МЕЪЁРИЙ АСОС

A. Сайлов тизими

Икки палатали парламент 100 нафар депутатлардан иборат Сенат ва 150 нафар депутатлардан иборат қуйи палатадан ташкил топган бўлиб, уларнинг ҳар бирига депутатлар 5 йилга сайланадилар. Сенат 12 вилоят, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси кенгашлари томонидан яширин овоз бериш йўли билан сайланадиган 84 аъзо ҳамда Президент томонидан тайинланадиган 16 сенатордан ташкил топган. 21 декабрь куни сайловчилар ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида 135 нафар аъзони қуйи палатага тўғридан-тўғри сайлаш учун овоз берадилар. ЕХХТ/ДИИХБнинг аввалги тавсиясига қарамай, қўшимча 15 нафар депутатлар Ўзбекистон Экологик Ҳаракати томонидан шу куннинг ўзида ўтказилган анжуманида (Конференциясида) билвосита сайландилар. Қонунчилик органининг иккала палатасига баъзи аъзоларни билвосита сайлаш тартиби ЕХХТнинг 1990 йилда Копенгагенда қабул қилинган ҳужжатининг 7.2 бандига тўғри келмайди.³

Парламент палаталарининг ҳеч бўлмаса бирига барча депутатлар умумхалқ овоз бериш йўли орқали сайланишларини таъминлаш учун қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш киритилиши керак.

Қонунга мувофиқ, агар республика миқёсида рўйхатга олинган сайловчиларнинг 33 фоиздан ками овоз берса, сайловлар бир ой ичида қайта ўтказилади. Номзодлар сайланишлари учун

³ 7.2 бандда ЕХХТ иштирокчи давлатлари “миллий қонунчилик органининг ҳеч бўлмаса бир палатасидаги барча ўринлар умумхалқ овоз бериш йўли билан эркин беллашувга қўйилиши” белгиланган.

кўпчилик овозга эга бўлишлари талаб қилинади, акс холда икки етакчи номзодлар ўртасида икки ҳафталик муддат мобайнида сайловларнинг иккинчи давраси ўтказилади. Сайловларнинг иккинчи давраси ҳақиқий бўлиши учун келадиган сайловчиларнинг сонига қатъий талаб қўйилмаган.

В. ҲУҚУҚИЙ-МЕЪЁРИЙ АСОС

Парламент сайловлари учун ҳуқуқий-меъёрий асос сифатида қуйидагиларни ўз ичига олади: Конституция, сўнги тузатишлар 2014 йилда киритилган, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонун (Сайлов қонуни), сўнги тузатишлар 2012 йилда киритилган, Марказий Сайлов Комиссияси тўғрисидаги Қонун, сўнги тузатишлар 2014 йилда киритилган, Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун, Сиёсий партиялар тўғрисидаги қонун, Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисидаги қонун, Жиноий Кодекс, Маъмурий жавобгарлик Кодекси, сўнги тузатишлар 2014 йилда киритилган, Фуқаролик-процессуал Кодекс, шунингдек МСКнинг меъёрий ҳужжатлари. 1995 йил 19 июлда Ўзбекистон Хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияга (CEDAW) қўшилди, 1995 йил 28 сентябрда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга (ICCPR) қўшилди ҳамда 2009 йил 27 февралда Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга (CPRD) имзо чекди.⁴

Сайловларни ўтказиш учун мавжуд ҳуқуқий-меъёрий асос ЕХХТ доирасидаги бир қанча мажбуриятлар ҳамда демократик сайловлар борасидаги бошқа халқаро мажбуриятлар ва меъёрларга ҳанузгача мос келмайди. ЕХХТ/ДИИХБнинг бир қатор аввалги муҳим тавсиялари ҳали ҳам кўриб чиқилгани йўқ, хусусан, асосий (фундаментал) инсон ҳуқуқларига оид тавсиялар. Конституциявий кафолатлар, шунингдек самарали сайловолди ташвиқоти учун зарурий омил ҳисобланган фикрларни эркин ифода этиш ҳуқуқига қўйилган чекловлар ҳамда сайловчилар томонидан онгли равишда танловни амалга ошириш имконияти, ҳанузгача шундай умумий сўзлар билан баён қилинган-ки, конституциявий тузум ёки сиёсий тизим борасида ҳар қандай танқидий қарашларни ифода этиш жазо чораларининг қўлланилишига олиб келиши мумкин.⁵ Тухмат, ҳақорат, конституциявий тузумга тинч йўл билан таъжовуз қилиш, рўйхатдан ўтмаган ташкилотларнинг фаолияти ҳамда жамоат тартибига хавф солувчи ҳисобланган материалларни тарқатиш учун тайёрлаш ёки сақлаш ҳали ҳам қонун томонидан таъқиб қилинади.⁶

Уюшмаларда иштирок этиш эркинлиги, жумладан сиёсий партия ёки нодавлат ташкилот тузиш ҳуқуқи, ўзбошимча ёки ҳаддан ташқари кенг чеклашларга олиб келиши мумкин, бу эса Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 22-моддасига тўғри

⁴ Ўзбекистон мазкур конвенцияларни ҳали ратификация қилмаган.

⁵ Конституциянинг 29 моддасида қуйидагилар белгиланган “Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир. Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин.”

⁶ Ушбу ҳуқуқий низомлар, мисол учун, 2014 йилнинг 24 декабрида қуйидаги шахсларга нисбатан қўлланилди: Асадулла Рихсиев, Жаҳонгир Тожиев, Аҳмаджон Холиқов, Шухрат Илхомов, Зафар Каримов ва Даврон Раҳманов. Уларнинг барчаси Тошкент вилоят суди томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 159-моддаси “Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига таъжовуз қилиш”, 244¹-моддаси “Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш”, 244²-моддаси “Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа таъқиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш” ҳамда 246-моддаси “Контрабанда” билан очилган жиноий ишлар бўйича 12 ёки 13 йиллик қамоқ жазосига ҳукм этилдилар.

келмайди.⁷ Қонунда сиёсий партияни рўйхатдан ўтказмаслик, унинг фаолиятини тўхтатиш ёки эҳтимолий тугатиш учун аниқ асослар белгиланмаган.⁸ Қонунчиликда, шунингдек, рўйхатдан ўтмаган нодавлат ташкилотлар номидан фаолият юритиш таъқиқлангандир, рўйхатдан ўтганлари эса рўйхатдан ўтиш учун қўйилган ҳаддан ташқари юқори талабларни энгишга ва ҳуқуқий чеклашлар билан юзланишга мажбур бўлдилар. Мазкур ҳуқуқий чекловлар ифода этиш ва уюшмаларда иштирок этиш эркинликларини асоссиз чеклайди, бу эса ЕХХТнинг 1990 йилда Копенгагенда қабул қилинган ҳужжатининг 9.1 ва 9.3 бандларига, тегишли равишда, зид келади.

Адлия вазирлиги (АВ) томонидан берилган маълумотга кўра, сўнги парламент сайловларидан буён янги сиёсий партияни тузиш борасида ҳеч қандай ҳаракатлар амалга оширилмади. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ суҳбатдошларидан бир нечтаси бу ҳолатни мавжуд сиёсий муҳитда сиёсий ташаббусни амалга ошириш учун умумий истак йўқлиги билан боғладилар. Ифода этиш ва уюшмаларда иштирок этиш эркинликларига тўсиқ бўлаётган амалдаги ҳуқуқий низомлар шароитида сиёсий муҳит сайловчиларга кенгроқ танлов имкониятини таклиф қила оладиган янги ташаббуслар учун йўл очиб бермади.

Уюшмаларда иштирок этиш эркинлиги устидаги ҳаддан ташқари ёки камситувчи чекловларни бартараф этиш учун сиёсий партиялар ва нодавлат ташкилотларга салбий таъсир кўрсатувчи қонунчиликни қайта кўриб чиқиш тавсия этилади. Ҳар қандай чекловлар халқаро меъёрларга мос равишда қонунда белгилаб қўйилиши керак, шунингдек хокимият органлари тарафидан эркин талқин қилинишининг олдини олиш учун ҳаддан ташқари кенг чегараларга ўрин қолдирмайдиган аниқ ва равшан, торайтирилган мезонларни кўрсатиб бериши керак.

2012 ва 2014 йилларда қонунчиликка киритилган сўнги тузатишлар ЕХХТ/ДИИХБнинг бир неча аввалги тавсияларини инобатга олган. Сайловолди ташвиқот тадбирлари борасида батафсилроқ қоидалар жорий қилинди. Муддатдан олдин берилган овозларнинг яхлитлигини сақлаб қолишга ёрдам бериш мақсадида муддатдан олдин овоз бериш тартибига оид аниқ кафолатлар қабул қилинди. Дастлабки қамокда сақлаш жойларида махсус сайлов участкаларини ташкиллаштиришга руҳсат берувчи низом жорий қилинди. Шу билан бирга, баъзи тузатишлар ҳаддан ташқари мураккаблаштирилган бўлиб, барча тегишли тарафлар осонроқ тушунишлари учун аниқроқ ва қисқароқ жумлалардан ташкил топса, фойдадан холи бўлмайди.⁹

⁷ 22-моддада айтилишича “Ҳар ким бошқалар билан уюшма тузиш эркинлиги ҳуқуқига эга бўлиши керак ...”.

⁸ Сиёсий партиялар тўғрисидаги қонуннинг 9-моддасида “сиёсий партиянинг устави, мақсадлари, вазифалари ва фаолият услуби Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, ушбу Қонунга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига зид бўлса, бу партия рўйхатга олинмайди”, деб белгиланган. Сиёсий партиялар тўғрисидаги қонуннинг 10 ва 11-моддаларида белгиланишича, сиёсий партия “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини, ушбу Қонунни, бошқа қонун ҳужжатларини ёки ўз устави бузган тақдирда” унинг фаолияти олти ойгача муддатга тўхтатиб турилиши ҳамда мазкур фаолияти тўхтатиб қўйилганидан сўнг бир йил муддат ичида ўша ҳатти-ҳаракатларни тарор содир этган ҳолларда сиёсий партиянинг фаолияти тугатилиши мумкин. Ушбу соҳадаги яхши тажрибага мисол сифатида [Сиёсий партияларни тартиблаштириш бўйича ЕХХТ/ДИИХБ ва Венеция кўмитасининг 2010 йилдаги йўриқномаси](#) 68-бандига қаранг, унда “партияни рўйхатдан ўтказмаслик учун асослар қонунда аниқ ва равшан кўрсатилган бўлиши керак ва объектив мезонларга асосланган бўлиши лозим”лиги тавсия этилгандир, шунингдек ушбу Йўриқноманинг 96-бандида партияни тарқатиб юбориш учун эҳтимолий сабабларнинг тўла рўйхати берилиши лозимлиги кўрсатилган.

⁹ Қаранг: [“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги ва “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонунларга тузатишлар ва қўшимчалар киритиш лойиҳаси бўйича ЕХХТ/ДИИХБ ва Европа Кенгаши ҳузуридаги ҳуқуқ орқали демократия учун Европа комиссияси \(Венеция комиссияси\)нинг қўшма ҳулосаси](#), 2012 йил 17 декабрь.

Жазога тортиладиган сайлов ҳуқуқбузарликлари рўйхатини баён этиш учун 2014 йилда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга сайлов соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ҳақида янги боб киритилди.¹⁰ Шу билан бирга, унда маъмурий иш қандай қилиб ва ким томонидан очилиши мумкинлиги аниқ кўрсатилмаган.¹¹ Хусусан, ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ суҳбатдошлари ҳам ушбу жараёни аниқ тушуна олмадилар.

Қонун процессуал ҳуқуқбузарликларни ҳал этиш бўйича амалий натижалар берувчи механизмга айланиши учун сайловга оид маъмурий ишларни очиш жараёни борасида унга аниқлик киритилиши мумкин.

Жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари тахминларини ва бўлиб ўтаётган сайловларга тегишли бошқа изланиш натижаларини чоп этишга қўйилган янги таъқиқ асосиз равишда ифода этиш эркинлигини чеклайди, чунки бу ҳокимиятнинг ижро органларига сайловдан уч кун олдинги муддатда ҳамда сайлов куни ҳаддат ташқари кенг ваколатларни беради.¹²

Мавҳумлик олдини олиш ҳамда ифода этиш эркинлиги борасидаги конституциявий кафолатлар тўлиқлигича тадбиқ этилиши мақсадида сайловга оид маълумотларни тарқатиш бўйича таъқиқларни қайта кўриб чиқиш тавсия этилади.

Сиёсий фаолиятнинг сушт даражадалиги сабабли, ташқи ташвиқот тадбирлари, фуқароларнинг ташвиқот тадбирларини олиб бориш ҳуқуқлари, шикоят ва мурожаатлар тартиблари ҳамда сайлов соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга тегишли қатор ҳуқуқий низомлар текширилмай қолди.

V. САЙЛОВ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

Сайловлар сайлов бошқарув органларининг учта даражаси миқёсида бошқарилди: МСК, 135та Округ сайлов комиссиялари (ОСК) шу миқдордаги бир мандатли округларда, ва 9 035 та Участка сайлов комиссиялари (УСК), шунингдек 36 давлатда жойлашган дипломатик

¹⁰ 51¹ - 51⁹ – моддалар куйидаги каби сайлов соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни қамраб олгандир: сайлов бошқарув органларининг фаолиятига аралаштириш, уларнинг қарорларини ижро этмаслик, номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини бузиш, сайловолди ташвиқоти шартларини ва тартибини бузиш, жумладан сайловни молиялаштириш тартибини бузиш, номзодлар ва сиёсий партиялар тўғрисида ёлғон маълумотларни тарқатиш, сайловолди ташвиқот материалларини қасддан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасддан шикаст етказиш, жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари тахминларини чоп этиш тартибини бузиш.

¹¹ Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 280-моддасида “Бузилиши маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарадиган қоидаларга риоя этилишини текшириш ва назорат қилиш қонун ҳужжати билан зиммасига юклатилган тегишли органнинг ваколатли мансабдор шахси маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузади” дейилган.

¹² Бирлашган миллатлар ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси томонидан Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг (ФСХТХП) 19-моддасига берилган 34-сонли Умумий изоҳнинг 2, 20, 22-бандларига қаранг, уларда ҳар бир эркин ва демократик жамият учун фикр ва ифода эркинликлари алоҳида аҳамиятга эга эканлиги тасдиқланган ҳамда мазкур эркинликларга нисбатан қўйилиши мумкин бўлган чекловларни аниқ чегаралар доирасига олинган. Ўзбекистон ФСХТХП учун қабул қилинган 1-сонли Факултатив Баённомага қўшилиш орқали алоҳида шахслардан мурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш бўйича БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг ваколатини тан олди. Бундан ташқари, ЕХХТнинг 1990 йилда Копенгагенда қабул қилинган ҳужжатининг 9.1-банди талаби бўйича “барча ифода этиш эркинлиги, жумладан алоқа қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Ушбу ҳуқуқ ичига ўз фикрини ёқламоқ ҳамда давлат органлари томонидан аралашувсиз ва чегараларсиз ахборот ва ғояларни қабул қилиб олиш ва тарқатиш қиради”. Шунингдек, ЕХХТ/ДИИХБ ва Венеция қўмитасининг 2012 йилдаги Қўшма ҳулосасининг 34-35 бандларига қаранг.

ваколатхоналардаги 44 овоз бериш участкалари. МСК доимий орган бўлиб, ОСК ва УСКлар ҳар бир сайлов учун янгидан тузилади. Сиёсий партиялар аъзолари учун сайлов комиссияларининг ҳар қандай даражасида уларга аъзо бўлиш таъқиқлангандир.

Конституцияга киритилган сўнги тuzаттишлар МСКга конституциявий орган мақомини берди ва унинг фаолиятида амал қилинувчи тамойиллар сифатида мустақиллик, қонунийлик, коллегиялик, очиқлик ва адолатларни белгилади. Парламентнинг икки палатаси вилоят кенгашлари тавсияси билан чекланмаган муддатга камида 15 нафар МСК аъзоларини тайинлайди. МСК раиси унинг аъзолари томонидан Президент тавсияси билан уларнинг ичидан сайланади. Ҳозирги кунда МСК аъзолари 18 нафар бўлиб, улардан 3 нафари аёллардир. МСКнинг энг кўп хизмат қилган аъзоси 1998 йилда тайинланган бўлса, 2014 йилнинг апрель ойида 10 нафар МСК аъзолари тайинланди. Тўрт нафар аъзо доимий равишда МСКда фаолият юритади, бошқалар эса ўз вазифаларини доимий иш фаолиятларига қўшимча равишда бажарадилар ва тегишли ўз вилоятларида истиқомат қиладилар, улар пойтахтда сессиялар чақирилганда йиғиладилар.

МСК ОСКнинг 1 463 нафар аъзоларини вилоят кенгашлари тавсияларига мувофиқ тайинлади.¹³ Ҳар бир ОСКда камида тўққиз нафар аъзо бўлиши керак. МСКга биноан аъзоларнинг учдан икки қисми сайловларни бошқариш соҳасида тажрибага эга. Хотин-қизлар ОСК даражасида камчиликни ташкил қилади, аъзоларнинг тахминан 20 фоизи улардан ташкил топган.

ОСКлар 9 035та сайлов участкаларини ташкил қилган, бунда маъмурий чегаралар, овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган сайловчилар сони ҳамда маҳаллий кенгашлар ёки сайловчилар вақтинчалик истиқомат қилувчи муассаса раҳбариятининг тавсиялари ҳисобга олинади.¹⁴ Гарчи қонунда белгиланган умумий қоидага биноан сайлов участкаларидаги сайловчилар сони 20 дан 3 000тагача бўлиши керак бўлса-да, ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ рўйхатдан ўтган сайловчилар сони сезиларли даражада кўпроқ бўлган сайлов участкаларини қайд этдилар. Баъзи ҳолатларда мазкур вазият жамоатларини бошқа-бошқа сайлов участкаларига бўлишни истамаган маҳалла раисларининг тавсиялари билан боғлиқлиги кўрсатилди.¹⁵ ОСК 90 000дан ортиқ шахсларни УСКларига хизмат кўрсатиш учун тайинлади. Ушбу УСКларнинг ҳар бири 5тадан 19тагача аъзолардан иборат бўлиб, улардан 44 фоизи хотин-қизлардан ташкил топган.

Хотин-қизларнинг сайлов маъмурий бошқармаси таркибида қарорлар қабул қилиши борасидаги иштирокини кенгайтириши масаласи кўриб чиқилиши мумкин.

МСК сайловларга техник тайёргарлик ишларини пухта равишда амалга оширди ва барча қонуний муддатларга риоя этди. МСК ўз ишидаги очиқлик даражасини ошириш ҳамда оммани сайловлар ҳақида хабардор қилиш учун ўзининг веб-сайти, матбуот маркази (ушбу сайловлар учун махсус ташкил этилган), эълон тахталари, видеоклиплар ва матн

¹³ ОСК аъзоларининг 45 фоизга яқини таълим секторининг вакиллари, 29 фоизи ижтимоий уюшмалар ҳамда нодавлат ва ноижорат ташкилотлар вакиллари, 8 фоизи соғлиқни сақлаш тизими вакиллари ва 4 фоизи ишлаб чиқариш саноати вакиллари, қолган қисми эса бошқа соҳа вакиллари ташкил топди.

¹⁴ Муассаса раҳбариятининг тавсиясига асосланиб, ОСКлар шунингдек махсус УСКларни сайловлардан олдин беш кунгача муддатда ҳарбий бўлинмаларда, дастлабки қамокда сақлаш жойларида, касалхоналарда, сихатгоҳларда ва бошқа соғлиқни сақлаш муассасалари ва дам олиш масканларида, шунингдек узоқ ва етиб бориш қийин бўлган манзилларда ташкил қилишлари мумкин.

¹⁵ *Маҳаллалар* анъанавий ўзбек жамоати тузилмаси бўлиб, аҳоли яшайдиган жойларда кундалик ҳаётни тартиблаштириб туради ҳамда давлат ва жамият ўртасидаги алоқа вазифасини бажаради. Уларнинг роли 1993 йилда қабул қилинган Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонунда (Маҳаллалар тўғрисидаги қонун) расман белгилаб берилгандир. Маҳалла қўмитаси қарорларини бузиш қонун тарафидан жазоланади.

кўринишидаги хабарлар орқали, шунингдек сиёсий партиялар вакиллари, маҳалла раҳбарлари, ёшлар ва хотин-қизлар билан учрашув тадбирлари воситасида фаол чоралар кўрди.

МСК тадбирлари ва матбуот анжуманлари ОАВ орқали кенг ёритиб борилди. МСК сессиялари аккредитация қилинган оммавий ахборот воситалари, сиёсий партиялар вакиллари ва халқаро кузатувчилар учун очиқ бўлди, муҳим қарорлар эса матбуотда чоп этилди ва МСК веб-сайтида эълон қилинди. Шу билан бирга, баъзи МСК қарорлари оммага эълон қилинмади ва фақат ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ талабига биноан тақдим этилди. Шунингдек, сайловлар жараёни тўғрисидаги аниқ муҳим маълумотларни, жумладан сайлов участкалари манзилларининг тўлиқ рўйхатини, ҳар бир сайлов участкасида рўйхатга олинган сайловчилар сонини, мамлакатдан ташқарида ўтказилган овоз бериш вақтида топширилган бюллетенлар сонини эълон қилиш борасида сезиларли кечикишлар бўлди, ва ушбу маълумотларнинг баъзилари умуман оммага тақдим этилмади. Бу эса Конституцияда белгилаб берилган МСК фаолиятининг очиқлиги тамойилига зиддир.

Очиқликни (транспарентликни) ошириш чораси сифатида МСКнинг барча қарорлари ҳамда бошиқа сайловга оид муҳим маълумотлар ўз вақтида оммага етказилишини, жумладан МСК веб-сайти орқали, таъминлаш зарур.

Вилоят кенгашлари тавсияларига асосланган ҳолда МСК ҳар бир сайлов округида ўртача 154 000 нафар сайловчилар бўлган сайлов округлари чегараларни белгилаб берди ва ҳар бир округдаги сайловчиларнинг тахминий сонини эълон қилди. Шу билан бирга, чекланган миқдордаги сайлов округларининг ҳажмида сезиларли фарқлар мавжуд, бу ҳолат аҳоли зичлигининг ва жойларнинг тенг эмаслиги билан тушунтирилди.¹⁶

ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ кўришга борган ОСК ва УСКлар ўз вазифаларини бажариш учун барча зарурий маълумотлар ва манбаларни олаётганликларини хабар қилдилар. Шу билан бирга, улар сайловга доир қонунчилик бўйича турли савиядаги билимларни намоиш қилдилар ва баъзида тартибларни изоҳлаш борасида турли фикрларни билдирдилар. МСК томонидан чиқарилган йўриқномалар ва қоидалар асосан ҳуқуқий низомларни такрорлаб, уларда етарли тафсилотлар етишмади, жумладан сайловчилар рўйхатларини тузиш ва кўриб чиқиш, муддатидан аввал ва кўчма овоз бериш қоидалари, овоз бериш ва овозларни ҳисоблаш тартиблари, шунингдек махфий сайлов материаллари билан сайлов кунидан олдин, сайлов вақтида ва сайловдан кейин муомала қилиш борасида.

ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ кузатувчилари ҳисобот беришича, ОСК ва УСК раислари, уларнинг ўринбосарлари ва котиблари учун МСК томонидан ташкиллаштирилган ўқув машғулотида амалий машқлар ва процессуал тафсилотлар деярли бўлмаган. Ҳар бир сайлов комиссияси камида 16та рисоладан ташкил топган тўпламлар олди, уларда сайлов давомида комиссия аъзоларининг вазифалари ва жавобгарликлари баён этилган. УСКларга берилган процессуал видеолардан фақатгина чекланган миқдордаги ҳолатларда фойдаланилган кўринади.

УСК аъзоларини батафсилроқ ва фойдаланувчи учун тушунарлироқ бўлган йўриқнома материаллари билан таъминлаш ҳамда комиссиянинг барча аъзолари учун интерфаол ўқув машғулотларини ташкиллаштириш орқали сайлов соҳасидаги қонун ҳужжатларини ягоналаштирилган тартибда амалга тадбиқ этиш кучайтирилиши мумкин.

¹⁶

Энг кичик сайлов округи тахминан 107 000 нафар сайловчиларни қамраб олган (Навоий вилояти Зарафшон туманидаги 36-ОСК) ва энг каттаси тахминан 183 000 нафар сайловчиларга эга (Сурхандарё вилояти Денов туманидаги 74-ОСК).

Маҳалла кўмиталари сайлов бошқарув органларига маҳаллий даражада ёрдам бериш борасида кўринарли ўрин тутдилар. Жумладан, сайлов округларининг чегараларини белгилашда, комиссия аъзоларини танлашда, сайловга тегишли маълумотларни сайловчиларга тарқатишда ҳамда сайловчилар рўйхатини тузишда ёрдамлари тегди. Бир қатор УСКларида раислар ва аъзолар бир вақтнинг ўзида маҳалла кўмиталарида ишладилар. УСКлар жойлашган муассасаларнинг ходимлари томонидан УСКларни бошқариш, шунингдек сайлов комиссияси аъзолари вазифаларини бажариш, жумладан махфий сайлов материаллари билан ишлаш ва сайлов куни турли УСК вазифаларини бажариш, кузатилди. Мазкур амалиёт УСК аъзоларига сайловларни ташкиллаштириш вазифасини топширган, уларнинг бурчларини белгилаб берган ҳамда содир этилиши мумкин бўлган суистемоллар учун жавобгарликни қўшган сайлов соҳасидаги қонунлар ва низомларга зид келади.

Сайлов жараёни фақатгина ваколатли шахслар томонидан бошқарилишини таъминлаш учун сайлов комиссияси аъзолари ва бошқа мансабдор шахсларнинг вазифалари ўртасидаги фарқлар аниқ кўрсатилиши лозим.

Сайлов куни овоз бериш имкониятига эга бўлмаган сайловчилар учун 6 ва 19 декабрь кунлари ўртасида муддатдан олдин овоз бериш ташкиллаштирилди. МСК 103 948та муддатдан олдин овоз бериш бюллетенларини тарқатди, бу сайловчилар умумий сонининг 0,5 фоизига тўғри келади. Ҳар қайси даражадаги сайлов бошқарув органларидан муддатдан олдин овоз берган одамларнинг миқдорини эълон қилишни талаб қилувчи ҳеч қандай ҳуқуқий низомлар мавжуд эмас. МСК 8 311 нафар сайловчилар муддатдан олдин овоз берганликларини эълон қилди. Муддатдан олдин овоз бериш бюллетенлари одатий бюллетенлардан фарқ қиладиган рангда чоп этилгани сабабидан муддатдан олдин овоз берувчиларнинг кам сонлилиги овоз беришнинг махфийлигини хавф остига қўйди.

Овоз беришнинг махфийлигини таъминлаш мақсадида муддатдан олдин овоз беришда ҳам одатий бюллетенлардан фойдаланиш масаласи кўриб чиқилиши керак.

Бюллетенлар қонунда белгиланганига мувофиқ ОСКларда эмас, балки МСК томонидан чоп этилди, чунки фақат давлат босмахонасигина қўлланилган барча ҳимоя унсурларини таъминлаб бера олади ва тарқатиш бўйича тўлиқ назоратни амалга ошира олади. Сайлов куни учун тайёрланган бюллетенларнинг умумий миқдори рўйхатдан ўтган сайловчиларнинг сонига нисбатан қонунда белгиланган 0,5 фоиз қўшимча ададни ўз ичига олди.¹⁷

VI. САЙЛОВЧИЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

18 ёшга тўлган фуқаролар овоз бериш ҳуқуқига эга, суд қарори билан мазкур ҳуқуқ тўхтатилиши бундан мустасно. Конституция ва Сайлов тўғрисидаги қонунга мувофиқ ҳар қандай жиноят учун қамоқ жазоси муддатини ўтаётган фуқаролар актив ва пассив сайлаш ҳуқуқидан маҳрумдирлар. Ҳар қандай жиноят учун маҳкумлик асосида сайлов ҳуқуқларининг чекланиши ҳаддан ташқари кенг бўлиб, ЕХХТнинг 1990 йилда Копенгагенда қабул қилинган ҳужжатининг 24-бандида баён этилган мутаносиблик тамойилига ҳамда

¹⁷

Умумий миқдордаги 20 893 548 бюллетенларнинг 15 554 432таси ўзбек тилининг кирил алифбосида ва 3 888 608таси лотин алифбосида чоп этилди, 864 119таси рус тилида ва 586 390таси қорақалпоқ тилида чоп этилди. Сайловга доир бошқа материаллар ҳам миллий камчиликни ташкил қилувчи халқлар тилларда чоп этилди.

демократик сайловларга доир бошқа халқаро мажбуриятлар ва меъёрларга зид келади.¹⁸

Қамоқ жазо муддатини ўтаётган фуқароларнинг, улар содир этган жиноятнинг оғирлигидан қатъий назар, сайлов ҳуқуқларини умумлаштирилган ҳолда чеклаш юкланган чекловлар ва жиноят оғирлиги ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш учун қайта кўриб чиқиши керак.

Овоз бериш ҳуқуқига эга сайловчилар ўзларининг доимий ёки вақтинчалик яшаш жойларига мувофиқ сайловчилар рўйхатларига киритилдилар. Қонунга биноан ҳар бир сайловчи фақатгина битта сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин. Марказий (умумлаштирилган) сайловчилар рўйхати бўлмаган ва ҳар бир сайловга оид маълумот маҳаллий бошқарув органлари (хокимликлар) томонидан рўйхатларни тузиш ва кўриб чиқиш учун масъул бўлган УСКларига тақдим этилди. УСКлар ҳисобот беришича, улар ҳар бир хонадонга ташриф буюриб, маҳалла кўмиталари билан ҳамкорликда сайловчилар рўйхатини текширдилар, шунингдек ушбу фурсатдан фойдаланиб сайловчилар муддатдан олдин овоз берадиларми ёки сайлов куни кўчма овоз бериш қутисини талаб қиладиларми, сўраб олдилар. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМнинг узоқ муддатли кузатувчилари ҳисобот беришича, овоз бериш ҳуқуқига эга фуқароларни сайловчилар рўйхатига киритиш ёки ундан чиқариш қоидалари бир сайлов участкаси ёки маҳалладан иккинчисига фарқланиб борган.

Сайловчилар рўйхатлари сайловчилар уларнинг тўғрилигини ва тўлиқлигини текшириб олишлари ҳамда ўзгартиришлар бўлса, талаб қилишлари учун, УСКларда 6 декабрдан, махсус УСКларда эса 14 декабрдан охирига қўйилди. Бориб кўрилган УСКларда кам сонли сайловчилар мазкур имкониятдан фойдаландилар. МСК ҳам, ОСК ҳам сайлов кунидан олдин сайловчилар рўйхатларига киритилган ўзгартиришларнинг умумий миқдори ҳақида эълон бермадилар ва сайловчиларнинг умумий сони ўзгаришсиз қолди. Сайловчилар рўйхати сифати сайлов иштирокчилари томонидан сўроқ остига олингани йўқ, аммо сайловчилар ягона рўйхатининг йўқлиги эҳтимолий кўп бора рўйхатдан ўтишга йўл қўймаслик чораларига тўсиқ бўлди. МСК сайловчиларнинг дастлабки сони 20 789 572 нафарга етганини ҳамда ҳар бир сайлов округи бўйича уларнинг тақсимланишини эълон қилди. Шу билан бирга, сайловчилар сонининг ҳар бир сайлов участкаси бўйича умумреспублика тақсимланиши эълон қилинмади.

Солиштирма текшириш учун имконият яратиш ҳамда бир шахсни бир неча рўйхатга киритиш каби камчиликларнинг олдини олиш мақсадида марказлаштирилган сайловчилар рўйхатини тузиш масаласи кўриб чиқиши керак. Сайловчилар рўйхатларининг бир бутунлигини кенгайтириш мақсадида хокимият органлари сайловчиларни рўйхатга олиш борасидаги маълумотларни сайлов участкалари бўйича, шунингдек солиштириш ва текшириш вақтида киритилган ўзгартиришларнинг сони ва тури ҳақида тақдим қилиши мумкин.

¹⁸

ЕХХТнинг 1990 йилда Копенгагенда қабул қилинган ҳужжатининг 24-бандида қуйидагилар белгиланган “демократик жамиятда, ҳуқуқлар ва эркинликларнинг ҳар қандай чекланиши қўлланилаётган қонуннинг мақсадларидан бирига тегишли бўлиши керак ва ушбу қонуннинг мақсади билан қатъиян мутаносиб бўлиши лозим.” Шунингдек, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кўмитаси (БМТИХҚ) томонидан Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг (ФСХТХП) 25-моддасига берилган 25-сонли Умумий изоҳнинг 14-бандига қаранг, унда овоз бериш ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун асослар “объектив” ва “оқилона” бўлиши талаб қилинади. Мисло учун, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг қарорларини олайлик: *Скоптола Италияга қарши* (№. 3) [GC], № 126/05, 2012 йил 22 май; ва *Хёрст Бирлашган Қиролликка қарши* (№.2) [GC], № 74025/01, 2005 йил 6 октябрь. Ушбу икки қарорларда, суд қайд қилишича маҳбусларни уларнинг ҳуқуқларидан маҳрум қилиш содир этилган жиноятларнинг оғирлигига ва жазо ҳукмининг муддатига қарамай амалга оширилиши сайловларда иштирок этиш ҳуқуқига нисбатан номуносив ва номувоқиф бўлган.

Сайлов куни, сайловчилар рўйхатига киритилмаган ва овоз бериш ҳуқуқига эга сайловчилар кўшимча сайловчилар рўйхатига киритилиши ва овоз бериши мумкин, бунинг учун улар яшаш жойларидан маълумотнома тақдим қилишлари керак. Халқаро яхши тажриба сайловчиларни сайлов куни рўйхатга олишни тавсия қилмайди.¹⁹ Сайлов куни кўшимча рўйхатга киритилган сайловчиларнинг кўп сонли бўлиши сайловчилар рўйхатларининг тўлиқсизлиги ва ноаниқлигидан далолат қилиши мумкин.

Сайловчилар сайлов кунда рўйхатдан ўтишлари учун имкониятни бекор қилиши ҳамда сайловчилар рўйхатларини тузиши бўйича сўнги муддатни белгилаш масаласи кўриб чиқилиши мумкин. Ушбу муддатдан сўнг тузатишлар фақатгина суд ёки юқори даражадаги сайлов комиссияси қарори билан киритилиши мумкин бўлади.

Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тақдим этилган маълумотларга асосланган ҳолда МСК 13 280 нафар сайловчилар мамлакатдан ташқаридаги сайловчилар рўйхатларига киритилганлиги ҳақида эълон қилди. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ суҳбатдошларининг кўпчилиги хорижда бир неча миллион фуқаролар бўлиши мумкинлигига ишора қилдилар.²⁰ Уларнинг қанчаси мамлакат ичидаги сайловчилар рўйхатларига ҳам киритилганини аниқлаш имкони йўқ. ТИВ овоз беришга қобил сайловчиларнинг барчасида, ҳатто аввалроқ рўйхатдан ўтмаса ҳам, овоз бериш ҳуқуқи борлигини эътироф этди ва гарчи фақатгина 13 944та бюллетень варақалари тарқатилган бўлса ҳам, дипломатик ваколатхоналарда бюллетенлар қолмаслиги борасида ҳеч қандай ташвиш билдирмади.²¹ Хориждаги сайлов участкаларида берилган барча овозлар Тошкентда тайинланган сайлов округига кўшиб қўйилди. МСК хорижда овоз бериш имкониятидан фойдаланган сайловчилар сони ҳақида эълон бермади.

Ҳокимият органлари хорижда яшайдиган сайловчилар қонунда белгиланган тартибда ўз ҳуқуқларини ижро қилишлари учун имкониятларга эга бўлишларини таъминлаш борасида чоралар кўришга чақириладилар.

VII. НОМЗОДЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

Номзод сифатида иштирок этиш ҳуқуқи 25 ёшдан ошган, овоз бериш ҳуқуқига эга ҳамда сайлов санасидан олдин камида беш йил давомида доимий равишда мамлакатда истиқомат қилган фуқароларга берилган. Ушбу истиқомат қилишга доир талаблар номутаносиб кўринади ҳамда халқаро меъёрлар ва яхши амалиётга зид келади.²² Суд қарори билан ноқобил деб топилган ёхуд оғир ёки ўта оғир жиноят содир этганлиги учун тайинланган

¹⁹ [Венеция комиссиясининг Сайлов масалаларидаги яхши амалиёт кодексининг](#) 1.2-бўлимига қаранг, унда “сайловчилар рўйхатлари доимий бўлиши керак” ва “рўйхатга олиш сайлов участкасида сайлов кунда амалга оширилмаслиги керак” дейилган.

²⁰ Мисол учун, Россия Федерациясининг Федерал миграция хизмати берган маълумотларга кўра, 2014 йилнинг 4 декабрь ҳолатига, Россия Федерациясида 2,28 миллионга яқин Ўзбекистон фуқаролари расман рўйхатдан ўтган, улардан 2,1 миллионга яқини 18 ёшга етган. Қаранг: <http://www.fms.gov.ru/about/statistics/data/details/54891/>.

²¹ Буларнинг ичига 664та ортиқча бюллетенлар қиради (хорижда рўйхатдан ўтган сайловчилар умумий сонига кўшимча 0,5 фоиз).

²² БМТИХҚнинг 25-сонли Умумий изоҳидаги 15-бандда жумладан шундай дейилган “сайловларда иштирок этиш учун қўйилган ҳар қандай чекловлар...объектив ва оқилона мезонларга асосланган бўлиши керак. Бошқа жиҳатлардан сайловда номзод сифатида иштирок этиши мумкин бўлган шахслар [...] истиқомат [...] каби асосиз ва камситувчи талаблар туфайли сайловлардан чиқариб юборилмаслиги керак”. Шунингдек, Венеция комиссиясининг Сайлов масалаларидаги яхши амалиёт кодексининг I.1.1(c) бўлимига қаранг, унда “истиқомат муддати бўйича талаб фуқароларга фақат маҳаллий ёки минтақавий сайловларда қўйилиши мумкин” дейилган.

жазо ҳукмини ўтаб бўлмаган шахслар, фаол ҳарбий ёки хавфсизлик ходимлари, ҳамда диний ташкилотларда фаолият юритувчи руҳонийлар номзодлар сифатида иштирок эта олмайдилар.

Сайловларда иштирок этиш учун номзодлар шунингдек сиёсий партиялар томонидан тавсия қилинишлари керак. ЕХХТ/ДИИХБнинг аввалги тавсияларига қарамадан ҳамда ЕХХТнинг 1990 йилда Копенгагенда қабул қилинган ҳужжатининг 7.5-бандига зид равишда мустақил номзодлар парламент сайловларида иштирок эта олмайдилар.²³

Номзодларга қўйиладиган беш йиллик истиқомат талабини бекор қилиш, шунингдек ЕХХТ доирасидаги мажбуриятлар ҳамда бошқа халқаро мажбуриятлар ва меъёрларга мувофиқ мустақил номзодларга сайловларда иштирок этишга рухсат бериш масаласи кўриб чиқилиши лозим.

Сиёсий партия номзодларни тавсия қилиши мумкин, бунинг учун у сайловлар эълон қилинишидан камида тўрт ой олдин Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилиши ва 40 000 дана қўллаб-қувватловчи имзолар тўплаши керак. Бир ҳудудий бўлинмадан олинган имзоларнинг фоиз кўрсаткичи тўпланган имзолар умумий миқдорининг саккиз фоиздан ошмаслиги керак. МСК қоидаларига мувофиқ сайловчи бир партиядан кўпроғини қўллаши мумкин эмас олмайди, бу эса халқаро яхши тажрибага зид келади.²⁴

Сайловчилар бир партиядан кўпроғини қўллашларига рухсат бериш масаласи кўриб чиқилиши мумкин.

Имзоларни текшириш бўйича низомда кўрсатилишича, фақатгина 15 фоиз имзо намуналари текширилади ва намуналарнинг 10 фоиздан кўпроғи яроқсиз деб топилса, кейинги текширув тўхтатилади ва партия рўйхатдан ўтказилмайди.²⁵ МСК сайловларда рақобат қилувчи томонлар тақдим этган имзолар намуналарини тешкириб чиқди ва бирон-бир муаммо ҳақида ҳисобот бермади. Расман рўйхатдан ўтган тўрт сиёсий партиянинг барчаси МСК томонидан рўйхатга олинди.

Етарли миқдордаги имзолар тақдим этган партияларнинг барчаси рўйхатдан ўтишини ва имзоларнинг чекланган сонидagi хатолар туфайли ҳеч бир беллашувчи тарафлар сайловлардан чиқариб юборилмаслигини таъминлаш мақсадида МСК йўриқномаларига тузатиш киритилиши мумкин.

Қонунга мувофиқ номзодларни тавсия қилиш жараёни 17 октябрдан 6 ноябрга қадар давом этди. Бир номзод фақат бир сайлов округида сайловга қўйилиши мумкин ва ҳар бир партия ҳар бир сайлов округи бўйича фақат бир номзодни кўйиш ҳуқуқига эга бўлди. Қонунга мувофиқ ҳар бир партия томонидан қўйилган номзодларнинг камида 30 фоизи хотин-қизлардан иборат бўлиши керак. Барча тўрт партия барча 135 сайлов округлари учун

²³ Копенгаген ҳужжатининг 7.5-бандига қаранг, унда ЕХХТга иштирокчи давлатлар “фуқароларнинг мустақил равишда ёхуд сиёсий партиялар ёки ташкилотлар вакиллари сифатида, ҳеч бир камситишсиз, сиёсий ёки давлат лавозимларига давогарлик қилиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш” мажбуриятини олганлар.

²⁴ Сиёсий партиялар фаолиятини тартиблаштириш бўйича 2010 йилдаги ЕХХТ/ДИИХБ ва Венеция комиссияси йўриқномаларининг 77-бандига қаранг, унда “кўп фикрлик ва уюшмаларда иштирок этиш эркинлигини ошириш мақсадида қонунчилик фуқароларни фақатгина бир партиядан қувватловчи рўйхатга имзо чекиш билан чегараласлиги лозим” деб тавсия қилинган.

²⁵ Венеция комиссиясининг Сайлов масалаларидаги яхши амалиёт кодексининг 1.3-банди “текширув жараёни умумий равишда барча имзоларни қамраб олиши шарт” деб тавсия қилади. Амалдаги қоидалар партиядан намунадаги яроқсиз имзоларнинг маълум бир миқдори асосида сайловдан четлатишга рухсат беради, хатто қолган имзолар қонундаги талабларга жавоб бериш учун етарли бўлса ҳам.

номзодларни кўйди. Беш нафар номзод якуний рўйхат 15 ноябрь куни эълон қилинишидан аввал чиқариб ташлангани боис, МСК 535 нафар номзодларни рўйхатдан ўтказди, улардан 170 нафари (31,8 фоиз) хотин-қизлар бўлиб, шунингдек кўплаб миллий камчиликни ташкил қилувчи вакиллар ҳам бор. Тўрт партиянинг барчаси асосан ҳозирги парламент аъзоларидан одатда 10-15 йилга ёшроқ бўлган янги номзодларни берди, уларнинг 20 фоизга яқини ўз навбатида қайта сайланиш учун сайловда иштирок этдилар. Мазкур “ёшартириш” ҳокимият вакиллари томонидан сиёсий партияларнинг ҳамда парламентнинг ролини кучайтиришга қаратилган “яна бир қадам” сифатида таърифланди.

Қонун сиёсий партияларга ўз номзодларини сайловларга беш кун қолгунга қадар бекор қилишга рухсат беради, номзодларнинг ўзлари эса беллашувдан исталган вақтда чиқиб кетишлари мумкин. Уч номзод бюллетенлар чоп этилганидан сўнг чиқиб кетди ва МСК сайлов комиссияларига бюллетенларда уларнинг исмлари устидан чизиб ташлаш ҳамда ОСК ва УСҚлардаги уларнинг плакатларини олиб ташлаш бўйича кўрсатмалар берди.

VIII. САЙЛОВЛДИ ТАШВИҚОТ

Сайловолди ташвиқот тадбирлари номзодлар рўйхатга олинганидан сўнг 15 ноябрда бошланди ва 19 декабрда якун топди. Сайлов ҳақидаги қонунга сайловолди ташвиқот тадбирларининг турлари ва шакллари бўйича кўрсатмалар бериш мақсадида 2012 йилда тузатишлар киритилди, шу билан бирга қонунда таъқиқланмаган бошқа усулларга ҳам рухсат берилган. Қонунда номзодлар сайловда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқлар ва имкониятларга эга эканликлари белгилаб берилган.

Умуман олганда, сайловолди ташвиқот тадбирлари лоқайдлик руҳида ўтказилди ва гарчи ушбу тадбирлар сони сайлов кунига яқин кўпайса ҳам, номзодлар ўртасидаги жиддий ва ҳақиқий баҳс-мунозараларнинг етишмаслиги билан ажралиб турди. Сайловларда иштирок этган тўрт сиёсий партиялар, уларнинг ўзлари таъкидлашларича, ҳар бири Ўзбекистон жамиятидаги тўрт асосий бўғимни ифода этишлари учун ташкил этилган бўлиб, умумий равишда қуйидаги тоифалар бўйича тақсимлангандирлар: тадбиркорлик ва фермерлик (ЎзЛиДеП), “интеллигенция” (Адолат партияси), ижтимоий ҳимояланмаган қатламлар (ЎзХДП) ҳамда анъанавий кадрятлар тарафдорлари (Миллий тикланиш партияси). Тўрт партиянинг барчаси ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланади ва уларнинг ўзлари ҳам ҳукуматни қўллаб-қувватлайдилар, шунингдек ўзаро рақиб эмас, балки бир-бирларини тўлдириб турдилар.

Мустақил номзодлар фаол равишда лавозим учун курашган туманлар миқёсида кўпроқ рақобатчилик шароитлари мавжуд бўлди.

ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ сайловолди ташвиқот тадбирларига аралашув ҳақида ҳеч қандай хабарлар олмади, гарчи ЎзХДП ва Адолат партиялари бошқа номзодлар баъзи ҳолатларда ташвиқот учун сукут сақланадиган даврни бузганликларини қайд этган бўлса ҳам. Шундай бўлса-да, ҳеч қандай расмий шикоятлар берилмади.²⁶

²⁶

Сайловларнинг дастлабки натижалари эълон қилинганидан сўнг 22 декабрь куни бўлиб ўтган брифингда ЎзХДП Марказий кенгашининг раиси Хотамжон Кетмонов баъзи ҳолатларда ЎзЛиДеП сайлов қоидаларини бузганлиги ҳақида гапирди. 25 декабрь куни ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ билан ўтказилган учрашувда Адолат партияси Сиёсий кенгашининг Ижроия кўмитаси раиси Наримон Умаров сукутлик даврида бошқа партиялар ўз ташвиқот плакатларини олиб ташламаган ҳолатлар қайд этилганини ҳамда сайлов куни уларнинг вакиллари сайловчиларнинг қарорига таъсир кўрсатишга ҳаракат қилганликларини айтиб ўтди.

Номзодлар ва сиёсий партиялар ўзларининг сайловолди ташвиқот тадбирларини маҳаллалар, ОСКлар ва УСКлар ёрдамида ҳамда улар билан келишилган ҳолда ташкил қилдилар. Улар номзодлар ва сиёсий партиялар сайловчилар билан учрашишлари учун жой билан таъминладилар. Асосий ташвиқот матнлари эълон тахталари, плакатлар, варақалар, бинолар ичидаги учрашувлар ва ОАВлардаги рекламалар, шунингдек Интернет орқали оммага етказилди. Умумий ҳолда, сайловолди ташвиқоти партиялар ёки номзодлар ўртасидаги жиддий ва ҳақиқий баҳс-мунозараларнинг етишмаслиги билан ажралиб турди.

Сайловолди ташвиқот асосан ижтимоий ҳимоя ва иқтисодий ривожланиш, шунингдек барқарорлик, бирдамлик, хавфсизлик ҳамда босқичма-босқич сиёсий ва иқтисодий ислохотлар масалаларига урғу берди. Хотин-қизлар ва миллий камчиликни ташкил қилувчиларга доир масалалар аниқ кўрилгани йўқ. Номзодлар ўз ташвиқот тадбирларида миллий камчиликни ташкил қилувчи халқларнинг тилларидан эркин фойдаландилар. Сиёсий партиялар ва номзодларнинг ташвиқот тадбирлари яхши таъминланди ва ташкиллаштирилди.

IX. САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТНИНГ МОЛИЯЛАШТИРИЛИШИ

Ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга мувофиқ номзодларнинг сайловга доир сарф-ҳаражатлари давлат томонидан қопланди. Давлат томонидан сиёсий партияга ажратилган маблағлар ҳажми номзодлар сонига боғлиқ ва ушбу сайловлар учун сезиларли равишда оширилди.²⁷ Шунингдек, сиёсий партиялар орқали уларнинг барча номзодлари ўртасида тенг тақсимланиши учун МСКга хусусий ёрдам сифатида пул маблағларини юбориш мумкин бўлди; шундай бўлса-да, ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМга берилган маълумотларга кўра, мазкур сайловлар давомида бундай ёрдам маблағлари келиб тушмади. Сайловчиларга ташвиқот давомида совғалар (яъни, товарлар ва хизматлар) тақдим қилиш учун молиявий тўловларни амалга ошириш таъқиқланган. Сиёсий партиялар ва номзодлар ташвиқот тадбирларини молиялаштириш масаласида ҳеч бир ташвиш билдирмадилар.

Сиёсий партиялардан тегишли молия бошқарув органларига, солиқ инспекцияларига, Ҳисоб палатасига ва Адлия вазирлигига йиллик молиявий ҳисоботни топшириш талаб қилинади. Бундан ташқари, сиёсий партиялардан сайлов натижалари эълон қилинганидан сўнг 20 кун ичида МСКга ўзларининг ташвиқот тадбирлари учун қилган сарф-ҳаражатлари тўғрисида маълумот бериш талаб қилинади. Йиллик ҳисоботлар МСК, Ҳисоб палатаси ва Адлия вазирлигининг парламент сайловлари давомидаги партияларнинг молиявий тушумлари ва ташвиқот тадбирлари учун қилинган сарф-ҳаражатларига доир баённомалари билан биргаликда парламентнинг қуйи палатасига ОАВ гувоҳлигида тақдим этилади. Гарчи ушбу ҳисоботлар сиёсий партиялар томонидан чоп этилиши тақозо қилинса-да, қонунда уларни чоп этиш учун тартиб ва муддат борасида аниқлик йўқ. Маъмурий жавобгарлик кодексига мувофиқ сиёсий молиялаштириш низомларини бузиш жарима билан жазоланади.

Сиёсий партияларнинг молиявий ҳисоботларида партия томонидан ва алоҳида номзодлар томонидан қилинган сарф-ҳаражатларнинг аниқ тақсимоти кўрсатилишини белгилаб берувчи тузатишлар қонунчилик ҳужжатларига киритилиши масаласи кўриб чиқилиши керак. Очиқликни янада ошириш мақсадида бундай ҳисоботлар билан омма танишиши учун ўз вақтида имкониятлар яратиш, жумладан Интернет тармоқги орқали, ва эълон қилинган маълумотларда етарли даражада тафсилотлар мавжуд бўлиши ҳамда оддий халқ учун фойдали ва тушунарли бўлишини таъминлаш зарур.

²⁷

Ҳар бир номзод учун 1 000 060 сўмдан (тахминан 330 евро) 4 833 000 сўмгача (тахминан 1 600 евро).

X. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

A. ҲУҚУҚИЙ-МЕЪЁРИЙ АСОС ВА ОАВ МУҲИТИ

Қонунчилик ҳужжатларидаги ҳаддан ташқари ортиқ чекловлар ва ифода этиш эркинлиги ҳуқуқига институциявий аралашувлар ОАВдаги сиёсий кўпфирклилик йўқлигига олиб келди. Конституция ва 1997 йилда қабул қилинган “Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги” Қонун томонидан белгиланган ОАВларнинг ахборотнинг “ишончилиги” юзасидан масъуллиги сўз эркинлиги борасидаги конституциявий кафолатларга путур етказди. Бундан ташқари, Сайлов тўғрисидаги қонун номзодлар ҳақида “сохта” маълумотлар тарқатишни тўғридан-тўғри таъқиқлайди, бу эса ОАВлар томонидан фаол оммавий баҳсларни олиб борилишига самарали тўсиқлик қилади.

Ҳокимият органлари сохта маълумотларни тарқатишни таъқиқловчи амалдаги ҳуқуқий-меъёрий низомларни бекор қилиш масаласини кўриб чиқишлари лозим.

Бундан ташқари, ОАВ орқали ҳақорат учун уч йилгача (президентни ҳақорат қилган бўлса беш йилгача) қамоқ жазосини белгиловчи Жиноят кодексидаги низомлардан журналистларни ҳукм этиш учун фойдаланилди.²⁸ Фуқаролик кодексида ҳақорат учун товон пулининг энг юқори чегараси ва бу каби ҳуқуқбузарликлар учун чегаравий муддат белгиланмаган. Шунингдек, ҳақоратга тегишли ҳамда қонунчиликдаги ифода эркинлигини чекловчи бошқа низомларнинг мавҳумлиги ҳуқуқий ноаниқликка олиб келмоқда, бу эса журналистлар ва сиёсий иштирокчилар учун ўз ҳаракатларининг оқибатларини кўра билиш имкониятини қийинлаштиради ва натижада ўз-ўзини цензура қилишга олиб келади.²⁹

Қонунчиликдаги ҳақорат учун бериладиган жиноий жазони мутаносиб фуқаролик жазо чоралари фойдасига тегишли халқаро меъёрларга мувофиқ бекор қилиш масаласи кўриб чиқиши керак. Бундан ташқари, фуқаролик жазо чоралари ифода эркинлигига салбий таъсир этиш даражасида катта бўлмаслиги ҳамда даъвогарга товон тўлаб бериш ёки жавобгарни жазолашга эмас, балки путур етказилган номни тиклашга қаратилган бўлиши керак.

Сиёсий ахборотнинг асосий манбаларини Россия телеканаллари ташкил қилади. ОАВ майдонида бутун республика бўйлаб эфирга узата оладиган ягона ташкилот, давлатга тегишли Миллий телерадиокомпания (МТРК) етакчилик қилади. Давлатга тегишли газеталарнинг етакчилиги паст даражададир.

Сайловолди ташвиқот бўйича ҳаққоний ва сиёсий жиҳатдан мутаносиб маълумотлар билан фуқароларни таъминлаш мақсадида Миллий телерадиокомпанияни жамоатчилик телевидениесига айлантириш масаласи кўриб чиқиши мумкин.

²⁸ Бундан ташқари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг “Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, киргин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида сақлаш” деган моддасидан маҳаллий муаммолар ҳақида ахборот берган журналистларни ҳукм қилиш учун фойдаланилди. 8 сентябрь куни ЕХХТнинг ОАВ эркинлиги бўйича вакили (ОАВ ЭБВ) яна бир бора қамоқда сақланаётган уч нафар журналистнинг озод қилишга чақирди. Қаранг: <http://www.osce.org/fom/123275>. Қўшимча равишда, Чегара билмас репортерлар ҳозирги кунда қамоқда сақланаётган 10 нафар журналист рўйхатига эга, қаранг <http://en.rsf.org/press-freedom-barometer-journalists-imprisoned.html?annee=2014>.

²⁹ Қаранг [ФСХТХПнинг 19-молдасига берилган БМТХКнинг 34-сонли Умумий изоҳи](#).

Барча оммавий ахборот воситалари, ҳам эфирга узатувчи ҳам босма турлари, шунингдек веб-сайтлар, Матбуот ва ахборот агентлигида (МАО) рўйхатдан ўтишлари шарт, у ўз навбатида мазмун устидан назорат олиб боради.³⁰ Бош вазир МАО раҳбарини тайинлайди, у эса кейин бошқа аъзоларни тайинлайди. Ҳуқуқий-меъёрий низомларни бузиш, жумладан сохта маълумотлар тарқатиш, қайта рўйхатдан ўтишга олиб келиши мумкин. Ҳукумат қошидаги орган томонидан ОАВнинг рўйхатдан ўтказилиши, ушбу ОАВ устидан ҳукумат назоратига ва, шу тариқа, ифода эркинлигини чеклашга олиб келиши мумкин.³¹ Бундан ташқари, хорижий ОАВлар билан ишлайдиган журналистлар ТИВ томонидан аккредитация қилинишлари лозим.³²

Фойдаланиш учун тенг имкониятларни таъминлаш мақсадида эфирга узатувчи оммавий ахборот воситаларини рўйхатга олиш вазифаси мустақил орган томонидан амалга оширилиши керак. Шунингдек, босма ва Интернет тармоғидаги ОАВлар учун рўйхатга олиш талабларини ҳамда хорижий ОАВлар билан ишловчи журналистлар учун аккредитация талабларини бекор қилиш масаласи кўриб чиқилиши мумкин.

Интернет тармоғидаги баъзи ахборот воситалари маҳаллий даражада ҳокимият органлари ҳақида кўпроқ танқидий ахборот беради, деб ҳисобланади. Шу билан бирга, ҳукумат ҳақида танқидий фикрларни нашр қилувчи Интернет тармоғидаги хорижий ва миллий ахборот воситалари, жумладан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги баъзи халқаро нодавлат ташкилотларнинг веб-сайтлари, тизимли равишда тўсиб қўйилади ёки ёпилади. “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонунга киритилган сўнги тузатишлар ҳам Интернет тармоғида “сохта” маълумотларни жойлаштиришни таъқиқлаш орқали блоггерлар зиммасига ишончли ахборотни бериш мажбуриятини юклади.³³ ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ суҳбатдошлари берган маълумотга кўра, мазкур тузатишлар натижасида ўзини-ўзи аллақачон цензура қилиб қилаётган оммавий соҳадаги ижтимоий ахборот воситаларининг фойдаланувчилари ўзларини янада кўпроқ чеклашларига олиб келди.

В. ОАВ МОНИТОРИНГИ НАТИЖАЛАРИ

МСК ўзининг ҳуқуқий мажбуриятларига мувофиқ давлат тасарруфидаги ахборот воситаларида сезиларли даражада бепул эфир вақти ва жой ажратиб, уларни беллашувда иштирок этувчи сиёсий партиялар ўртасида тенг бўлиб берди. Кузатув олиб борилган давр мобайнида давлат тасарруфидаги телеканалларда умумий ҳисобда 18 соат бепул сиёсий

³⁰ Мазмунни кузатиб бориш билан шуғулланувчи бошқа муассасаларнинг таркиби ва ваколатлари тўлиқлигича очиқ эмас. Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси ҳузуридаги Мониторинг маркази вакиллари журналистларга устидан олиб борилган судларда уларга қарши гувоҳлик бердилар.

³¹ БМТнинг Фикр ва ифода эркинлиги бўйича махсус ҳисоботчиси, ЕХХТ ОАВ ЭбВ ва АДТнинг Ифода эркинлиги бўйича махсус ҳисоботчиси “Оммавий ахборот воситалари устидан расман тартиблаштирувчи назорат фаолиятини олиб борувчи барча давлат ҳокимияти органлари аралашувлардан, хусусан сиёсий ёки иқтисодий турдаги, ҳимояланган бўлиши керак, жумладан аъзоларни тайинлашнинг очиқ, жамоатчилик иштироки учун имконият берувчи ва ҳеч бир сиёсий партия томонидан назорат қилинмайдиган жараёнини тадбиқ этиш орқали”, дея баёнот берганлар. Қаранг [2003 йилдаги Қўшма баёнот](#) (Декларация).

³² 2014 йилнинг 1 декабрь ҳолатига 24 нафар журналистлар ТИВ томонидан аккредитация қилиндилар. Хорижий ахборот воситалари билан ишлайдиган журналистлар аккредитациясиз фаолият юритганлари учун жаримага тортилдилар. 2003 йилдаги Қўшма баёнотда БМТнинг Фикр ва ифода эркинлиги бўйича махсус ҳисоботчиси, ЕХХТ ОАВ ЭбВ ва АДТнинг Ифода эркинлиги бўйича махсус ҳисоботчиси “Мустақил журналистлардан лицензия ёки рўйхатдан ўтиш талаб қилинмаслиги керак”, деб эълон қилдилар.

³³ ЕХХТ ОАВ ЭбВ ушбу тузатишлар юзасидан аввалроқ ўз ташвишини билдирган. Қаранг <http://www.osce.org/fom/123275>.

рекламалар эфирга узатилди.³⁴ Партиялар кўшимча пуллик эфир вақтини сотиб олиш имкониятидан деярли фойдаланмадилар. Яхши тарафи, бепул эфир вақтига сиёсий партиялар вакиллари билан маълум бир мавзуда ҳафталик суҳбат дастурлари ҳам киритилди. Улар МТРКнинг биринчи канали бўлган “Ўзбекистон” каналида эфирга. Мониторинг олиб борилган суҳбат дастурлари давомида, партияларнинг дастурларини тақдим этиш учун тенг миқдорда вақт ажратилди, уларнинг кетидан эса баҳс-мунозаралар ўтказилиб, баъзан улардан партиялар вакиллари рақибларининг нуқтаи назарларига эътироз билдириш учун фойдаландилар. Бундан ташқари, босма нашрларда бепул тақдим этилган жойларда бошқа сиёсий партияларнинг платформаларини танқид қилиш ҳолатлари кузатилди. Мухими, сиёсий реклама эфирга узатувчилар томонидан шундай деб белгиланмади ва томошабинлар уларни таҳририят кўрсатувларидан ажрата олмадилар.

Сиёсий реклама ахборот кўрсатувлари ва бошқа дастурлардан ажралиб туриши учун уни аниқ белгилаб кўрсатиш масаласи кўриб чиқилиши керак.

ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ мониторинг ўтказилган барча ахборот воситаларида сайловолди ташвиқот тадбирларининг таҳририят томонидан ёритилиши сезиларли даражада етишмаслигини қайд этди. Бир кунда мониторинг ўтказилган телеканалларнинг барчаси бўйича жами фақат 14 дақиқага яқин вақт ташвиқот тадбирларини ёритишга. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ томонидан мониторинг қилинган чекланган миқдордаги таҳририят кўрсатувларида, “Ўзбекистон” ва “Тошкент” телеканаллари сиёсий партияларни мутаносиб ҳажмда ёритдилар, “УзРепортТВ” ва “Ёшлар” эса кўпроқ ЎзЛиДеПни афзал кўрдилар.³⁵ Мониторинг даври давомида ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ газеталарда кўриб чиққан, ташвиқотни ёритувчи чекланган миқдордаги таҳририят материалларда, давлатга тегишли тўртта газеталарнинг иккитаси барча сиёсий партиялар тўғрисида нисбатан мутаносиб ҳажмда маълумот берган, бири “Миллий тикланиш” партиясига кўпроқ жой ажратган, тўртинчиси эса ЎзЛиДеПга афзаллик берган.³⁶ Мониторинг ўтказилган барча телеканаллар ва давлатга тегишли газеталарда таҳририятнинг ёритиш услуби ижобий ёки бетараф бўлган. Сиёсий партияларга тегишли газеталарнинг биттадан ташқари ҳаммаси ташвиқотни ёритувчи таҳририят материалларини тўлиқлигича ўзларининг партияларига ижобий услубда бағишладилар.³⁷ Умуман олганда, оммавий ахборот воситалари сайлов масалалари бўйича жиддий ва танқидий баҳс-мунозараларни олиб бормадилар.

³⁴ 5-21 декабрь кунлари ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ тўртта телеканал ва саккизта газета устидан мониторинг ўтказди. Кузатилган телеканаллар қаторига «Ўзбекистон», “Тошкент”, “УзРепортТВ” ва “Ёшлар” кирди. Мониторинг ўтказилган газеталар ичига *Адолат*, *Даракчи*, *Народное слово*, *Миллий тикланиш*, *Ўзбекистон овози*, *Правда Востока*, *Халқ сўзи* ва *XXI аср* кирди.

³⁵ «Ўзбекистон» ва “Тошкент” телеканаллари ташвиқот тадбирларини ёритишда материалларнинг 32 ва 29 фоизини ЎзЛиДеП учун тегишли равишда ажратдилар, 25 ва 28 фоизни Адолат партияси учун, 24 ва 22 фоизни Миллий тикланиш партияси учун ҳамда 20 ва 21 фоизни ЎзХДП учун ажратдилар. Қиёс қилинадиган бўлса, “УзРепортТВ” ва “Ёшлар” телеканаллари материалларнинг 53 ва 39 фоизини ЎзЛиДеПга бағишладилар, Адолат партиясига 11 ва 18 фоиз бердилар, 25 ва 18 фоиз Миллий тикланиш партиясига ҳамда 11 ва 25 фоиз ЎзХДПга тегишли равишда ажратдилар.

³⁶ *Даракчи* ташвиқотни ёритишга қаратилган таҳририят материалларининг 29, 29, 17 ва 25 фоизларини тегишли равишда ЎзЛиДеП, Адолат партияси, Миллий тикланиш партияси ва ЎзХДПга бағишлади. *Халқ сўзи* ўз материалларининг 32, 23, 23 ва 22 фоизини тегишли равишда ЎзЛиДеП, Адолат партияси, Миллий тикланиш партияси ва ЎзХДПга бағишлади. *Народное слово* Миллий тикланиш партияси ва ЎзХДПга материалларнинг 50 фоиздан бағишлади ва бошқа сиёсий партияларни ёритмади. *Правда Востока* материалларнинг 46, 27 ва 27 фоизларини тегишли равишда ЎзЛиДеП, Миллий тикланиш партияси ва ЎзХДПга бағишлади, Адолат партиясини эса ёритгани йўқ.

³⁷ *Адолат*, *Миллий Тикланиш* ва *XXI аср* (ЎзЛиДеПга тегишли) ташвиқот тадбирларини ёритувчи ўзларининг барча таҳририят материалларини ижобий услубда ўз партияларига бағишладилар, *Ўзбекистон овози* эса (ЎзХДПга тегишли) материалларнинг 9 фоизини салбий услубда бошқа сиёсий партияларга бағишлади.

XI. ШИКОЯТЛАР ВА АППЕЛЯЦИЯ

Сайлов комиссияларининг қарорлари юзасидан эътирозни номзодлар, партиялар, сайловчилар ва кузатувчилар 10 кун ичида юқорироқ даражадаги сайлов комиссиясига ёки ваколатли биринчи босқич фуқаролик ишлари судига тақдим этишлари мумкин. Тегишли муассаса уч кун ичида қарор қабул қилиши керак. Сайлов санасига олти кундан кам вақт қолган тақдирда, ишлар дарҳол ҳал қилиниши керак. МСК қарорлари юзасидан шикоятлар Олий Судга топширилиши мумкин. Умумий юрисдикциядаги барча судларнинг судьялари ижрочи ҳокимият томонидан ҳар беш йилда тайинланадилар (ёки Олий Суд ҳолатида Президент томонидан номзодлари қўйилади). Бу эса суд тизимининг мустақиллиги ва бетарафлиги юзасидан ташвишлар ўйғотади.

Қонунга мувофиқ, шикоятчилар судларда ёки сайлов комиссияларида уларнинг аризалари муҳокама қилинаётганда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Шу билан бирга, Сайлов тўғрисидаги қонунда сайлов натижаларини бекор қилиш бўйича шикоятларни топшириш ва кўриб чиқиш учун аниқ асослар ва муддатлар белгиланмаган.

Сайлов натижаларини бекор қилиш учун объектив мезонларни белгилаш ҳамда бундай шикоятларни топшириш ва кўриб чиқиш муддатларини кўрсатиш мақсадида Сайлов тўғрисидаги қонунга тузатишлар киритилиши керак.

Сайлов соҳасидаги низоларни ҳал қилиш тизими кўп жиҳатдан текширилгани йўқ. Масалаларни расмий воситалар орқали эмас, балки норасмий йўл билан ҳал этиш умумий даражада афзал кўрилади. Сайловолди давр мобайнида МСКга 150дан ортиқ арзномалар келиб тушди. Шу билан бирга, МСК ваколатига кирмайдиган, суд тизимининг фаолияти, коммунал муаммолар ҳамда маҳаллий сайловларни ўтказиш билан боғлиқ масалалар каби энг кўп ташвишни ифодаловчи арзномалар Фуқаролар мурожаатлари тўғрисидаги қонунга мувофиқ ваколатли давлат муассасаларига юборилди. МСК, сайлов участкалари ва судларга сайлов кунидан олдин сайлов жараёни борасида ҳеч қандай расмий шикоятлар келиб тушмади.

XII. ЖАМОАТЧИЛИК ВА ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР

Қонунчилик ҳужжатлари сайловлар халқаро кузатувчилар, халқаро ташкилотлар ва уюшмалар томонидан кузатилишини таъминлайди. Ушбу сайловлар учун МСК ЕХХТ/ДИИХБ, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислом анжумани ташкилоти, Сайловни бошқариш органлари халқаро уюшмаси ҳамда хорижий сайлов комиссиялари ва расмийлари қаторидан кузатувчиларга аккредитация берди. Умумий равишда халқаро ташкилотларнинг 60 нафарга яқин вакили ва хорижий ваколатхоналардан 270 нафарга яқин кузатувчилар аккредитация олди.

Сайлов тўғрисидаги қонун, шунингдек, номзодларини сайловларга қўйган сиёсий партиялар ҳамда ОАВлар учун бутун сайлов жараёнини кузатиш имкониятини таъминлаб берган. МСК тақдим этган маълумотга кўра, ОСКлар партияларнинг 35 203 нафар вакилларига аккредитация берди, жумладан 8 853 нафари ЎзЛиДеПдан, 8 967 нафари Миллий тикланиш партиясидан, 8 883 нафари Адолат партиясидан ва 8 500 нафари ЎзХДПдан бўлди. Бундан ташқари, барча партиялар УСКларда овозларни ҳисоблаш жараёнини кузатиш учун 'ваколатли вакиллари' аккредитация қилдилар.

Шундай бўлса-да, ЕХХТ/ДИИХБнинг аввалги тавсияларига қарамай ҳамда ЕХХТнинг 1990 йилда Копенгагенда қабул қилинган ҳужжатига ва халқаро яхши тажрибага зид равишда, қонунчиликда жамоат ташкилотлари томонидан кузатув олиб борилиши таъминланмаган, бу эса жараённинг очиқлигини чеклайди.³⁸

Аввал тавсия қилинганидек, сайлов жараёнининг очиқлиги ва ҳисобдорлигини ошириш учун фуқаролик жамиятининг партиясиз ташкилотларига кузатув олиб боришни рухсат берувчи тузатишлар қонунга киритилиши керак.

ХП. САЙЛОВ КУНИ ВА НАТИЖАЛАРНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ

ЕХХТ/ДИИХБнинг СКЧМ учун андазавий услубиятига мувофиқ, миссия ўз таркибига қисқа муддатли кузатувчиларни киритмади ҳамда сайлов кунидаги жараёнларни атрофлича ёки тизимли равишда кузатиб бормади. Шундай бўлса-да, миссия аъзолари сайлов участкаларининг чекланган сонини зиёрат қилдилар ва баъзи участкаларда натижалар сарҳисоб қилинишини кузатдилар.

Кузатув олиб борилган чекланган миқдордаги сайлов участкаларига асосланган ҳолда айтиш мумкин-ки, овоз бериш ва уларни ҳисоблаш умумий равишда самарали ва очиқ тарзда олиб борилди. Ташриф этилган сайлов участкаларида кузатувчилар уларнинг жойлашуви одатда сайловчиларнинг тўсиқсиз кириб-чиқиб юришларига имкон берганини қайд этди. Бу эса баъзи УСКларда сайлов расмийлари ёки партиялар вакиллари учун овоз бериш жараёнининг барча босқичларини назорат қилиш имкониятини чеклаб қўйди. Ташриф этилган сайлов участкаларининг кўпларида ваколат олмаган шахслар мавжудлиги қайд этилди ва улар бир неча ҳолатларда УСК аъзоларига юклатилган вазифаларни ҳам бажардилар.

Сайловчиларнинг қўшимча рўйхатларидан фойдаланиш УСКлар орасида турлича бўлди, рўйхатга киритилиш ва овоз бериш учун сайловчилардан уларнинг маълум бир сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинчалик яшашини тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиш бўйича қоидаларга ҳар доим ҳам амал қилинмади.³⁹ Гарчи қонунда сайловчилар фақат бир дона сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган бўлса-да, сайлов куни, сайлов расмийлари сайловчини вақтинчалик яшайдиган манзили асосида қўшимча рўйхатга киритиш жараёнида у доимий равишда яшайдиган ҳудудда жойлашган сайлов участкасидаги ҳамкасбларига бу ҳақда хабар бермай, шу маънодаги МСК йўриқномаларига амал қилмаган кўринади.

МСК сайловчилар рўйхати билан ишлаш бўйича аниқ ва батафсил процессуал йўриқнома чиқариши керак.

Кузатув олиб борилган чекланган миқдордаги сайлов участкаларида ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ сайловчиларнинг шахслари ҳар доим ҳам текширилмаганини қайд этди. Ташриф қилинган

³⁸ ЕХХТнинг 1990 йилда Копенгагенда қабул қилинган ҳужжатининг 8-бандида “Иштирокчи давлатлар хорижий ва маҳаллий кузатувчиларнинг мавжудлиги сайлов ўтказилаётган давлатда сайлов жараёнининг обрўсини кўтаради, деб ҳисоблайдилар” дейилган. Венеция комиссиясининг Сайлов масалаларидаги яхши амалиёт кодексининг II.3.2 бўлимида “Миллий ва халқаро кузатувчиларга сайловларни кузатиш жараёнида иштирок этиш учун кўпроқ имконият бериш керак” дейилган.

³⁹ Баъзи УСКлар янги сайловчиларни қўшиш учун алоҳида рўйхатлардан фойдаландилар, бошқалари бир неча рўйхатларга эга эдилар ёки сайловчиларни умумий рўйхатнинг ҳар бир саҳифаси тагига ёки рўйхат охирига қўшиб, рўйхатдаги сайловчиларнинг умумий сонини ёки берилган бюллетенлар миқдорини аниқлашни қийинлаштирдилар. Баъзи УСКларда аъзолар сайловчилар рўйхатларининг бир неча нусхасидан фойдаландилар.

овоз бериш участкаларининг деярли барчасидаги сайловчилар рўйхатлари синчиклаб текширилганда кўплаб бир хил имзолар кетма-кетлиги топилди ва бир неча сайловчилар номидан овоз бериш амалиёти кенг қўлланилганлигини ҳамда бунга йўл қўйиб берилганлиги аён бўлди. Бу эса ЕХХТнинг 1990 йилда Копенгагенда қабул қилинган ҳужжатининг 7.3-бандида кўрсатилган тенг сайлов ҳуқуқи тамойилини бузиб, МСК томонидан 89 фоиз деб эълон қилинган сайловларда қатнашувчилар фоизига салбий таъсир кўрсатди.⁴⁰ Гуруҳ ёки оилавий бўлиб овоз беришга қарши МСК олиб борган ташвиқотларга қарамай, кузатувчилар баъзида овоз беришнинг махфийлиги тамойилига зид келувчи бундай амалиётнинг гувоҳи бўлдилар.⁴¹

Кўп бора, бошқалар номидан ва гуруҳ бўлиб овоз бериш амалиётига чек қўйиш учун сайлов расмийлари, сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти ҳамда бошқа сайловдан манфаатдор тарафларнинг келишилган ҳаракатлари зарур. МСК қонунлар ва низомлар ижро этилишини ҳамда уларга риоя этмаслик тегишли равишда жазоланишини таъминлаши керак.

Кузатув олиб борилган участкаларда овозларни санаш яхши ташкиллаштирилган бўлиб кўринса-да, баъзи жойларда жиддий процессуал камчиликлар ҳам қайд этилди, жумладан ишлатилмаган бюллетенларни санамаслик ва бекор қилмаслик, муддатдан олдин овоз берилган бюллетенларни ҳисобга қўшмаслик, овоз бериш қутиларини очишдан олдин рўйхатдаги сайловчиларнинг умумий сонини аниқламаслик ёки овоз берган сайловчилар ададини ҳисобламаслик. Қонунчилик томонидан белгилаб қўйилган сайлов натижалари ҳақидаги баённоманинг тузилиши берилган ёки овоз бериш қутисида топилган бюллетенлар сони овоз берган сайловчилар сони билан мос келишини кафолатламайди. Қатор УСКлар бир неча бора қайта ҳисоблаш ҳаракатларига қарамай, якуний баённомадаги маълумотлар орасидаги номувофиқликларни тушунтириб бера олмадилар. Баённомалар ҳисоблаш якунланганидан сўнг ҳар доим ҳам УСКларда кўрсатиб қўйилмади.

Сайловлардаги ҳисобдорлик даражасини ошириш чоралари сифатида натижалар борасида батафсилроқ маълумот берадиган натижалар ҳақидаги УСК баённомаси тузилиши қайта кўриб чиқилиши керак. Хусусан, эътибор сайловчилар рўйхатидаги ўзгартиришлар ҳақидаги маълумотларни, муддатидан олдин ва кўчма овоз бериш бўйича батафсил маълумотларни, шунингдек бузилган ва ишлатилмаган бюллетенлар сони бўйича маълумотларни киритишига қаратилиши керак. УСКлар ҳисоблаш тартиблари ва натижалар ҳақидаги баённомани тузиш бўйича қўшимча ўқув материалларидан фойда олишлари мумкин.

Гарчи батафсил процессуал йўл-йўриқлар мавжуд бўлмаса-да, ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ кузатувчилари ташриф этган тўрт ОСКларда овозларни санаш очиқ тарзда амалга оширилди.

ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ кузатувчилари ташриф этилган сайлов участкаларида сиёсий партияларнинг вакиллари нофаол бўлганликларини ҳамда сайлов кунига доир ҳеч қандай шикоятлар тушмаганини қайд этдилар.

МСК дастлабки натижаларни партиялар бўйича сайловдан кейинги кунда эълон қилди. 25 декабрь куни 113 сайлов округи бўйича ғолиблар эълон қилинди. Иштирок этган сайловчилар сони, бекор қилинган бюллетенлар сони ёки ҳар бир номзод тўплаган овозлар

⁴⁰ ЕХХТнинг 1990 йилда Копенгагенда қабул қилинган ҳужжатининг 7.3-банди ЕХХТга иштирокчи давлатлар зиммасига “балоғатга етган фуқаролар учун умумий ва тенг овоз бериш ҳуқуқини кафолатлаш”ни юклаган. Шунингдек, қаранг: БМТ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 21.3-моддаси ҳамда ФСХТХПнинг 25(b)-моддаси.

⁴¹ ЕХХТнинг 1990 йилда Копенгагенда қабул қилинган ҳужжатининг 7.4-бандига қаранг, унда ЕХХТга иштирокчи давлатлар зиммасига “овозлар махфий тарзда ёки шунга тенг эркин овоз бериш тартибида берилишини кафолатлаш” юклатилган.

сони ҳақида батафсил маълумот берилмади. 4 январь куни 22 сайлов округи бўйича сайловларнинг иккинчи давраси ўтказилди, ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ уларни кузатмади.

Сайлов натижалари борасида очиқлик ва ишончни ошириш учун дастлабки ва якуний натижалар олиниши билан сайлов участкалари ва округлари бўйича тақсимотда эълон қилиниши керак.

XIV. ТАВСИЯЛАР

Матн бўйлаб берилган куйидаги тавсиялар демократик сайловлар бўйича ЕХХТ доирасидаги мажбуриятлар ҳамда бошқа халқаро мажбуриятлар ва меъёрларга тўлалигича мувофиқ равишда сайловларни ўтказиш борасидаги ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳокимият органларига, сиёсий партияларга ва фуқаролик жамияти вакилларига кўриб чиқиш учун тақдим этилмоқда. Ушбу тавсиялар ҳозирча жавобсиз қолган ЕХХТ/ДИИХБнинг аввалги тавсиялари билан биргаликда ўқилиши керак. ЕХХТ/ДИИХБ сайлов жараёни янада яхшилашда ва ушбу ҳамда аввалги ҳисоботларда берилган тавсияларга амал қилишда Ўзбекистон Республикасининг ҳокимият органларига ёрдам беришга тайёр.⁴²

A. БИРЛАМЧИ ТАВСИЯЛАР

1. Парламент палаталарининг ҳеч бўлмаса бирига барча депутатлар умумхалқ овоз бериш йўли орқали сайланишларини таъминлаш учун қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш киритилиши керак.
2. Уюшмаларда иштирок этиш эркинлиги устидаги ҳаддан ташқари ёки камситувчи чекловларни бартараф этиш учун сиёсий партиялар ва нодавлат ташкилотларга салбий таъсир кўрсатувчи қонунчиликни қайта кўриб чиқиш тавсия этилади. Ҳар қандай чекловлар халқаро меъёрларга мос равишда қонунда белгилаб қўйилиши керак, шунингдек ҳокимият органлари тарафидан эркин талқин қилинишининг олдини олиш учун ҳаддан ташқари кенг чегараларга ўрин қолдирмайдиган аниқ ва равшан, торайтирилган мезонларни кўрсатиб бериши керак.
3. Кўп бора, бошқалар номидан ва гуруҳ бўлиб овоз бериш амалиётига чек қўйиш учун сайлов расмийлари, сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти ҳамда бошқа сайловдан манфаатдор тарафларнинг келишилган ҳаракатлари зарур. МСК қонунлар ва низомлар ижро этилишини ҳамда уларга риоя этмаслик тегишли равишда жазоланишини таъминлаши керак.
4. Ҳокимият органлари хорижда яшайдиган сайловчилар қонунда белгиланган тартибда ўз ҳуқуқларини ижро қилишлари учун имкониятларга эга бўлишларини таъминлаш борасида чоралар кўришга чақириладилар..
5. Номзодларга қўйиладиган беш йиллик истиқомат талабини бекор қилиш, шунингдек ЕХХТ доирасидаги мажбуриятлар ҳамда бошқа халқаро мажбуриятлар ва меъёрларга мувофиқ мустақил номзодларга сайловларда иштирок этишга рухсат бериш масаласи кўриб чиқилиши лозим.

⁴²

ЕХХТнинг 1999 йилда Истанбулда қабул қилинган ҳужжатининг 24-бандига мувофиқ ЕХХТга иштирокчи давлатлар ўз зиммаларига “ДИИХТнинг сайлов соҳасидаги баҳолашлари ва тавсияларига дарҳол риоя этиш” мажбуриятини олганлар.

6. Ҳокимият органлари сохта маълумотларни тарқатишни таъқиқловчи амалдаги ҳуқуқий-меъёрий низомларни бекор қилиш масаласини кўриб чиқишлари лозим.
7. Қонунчиликдаги ҳақорат учун бериладиган жиноий жазони мутаносиб фуқаролик жазо чоралари фойдасига тегишли халқаро меъёрларга мувофиқ бекор қилиш масаласи кўриб чиқилиши керак. Бундан ташқари, фуқаролик жазо чоралари ифода эркинлигига салбий таъсир этиш даражасида катта бўлмаслиги ҳамда даъвогарга товон тўлаб бериш ёки жавобгарни жазолашга эмас, балки путур етказилган номни тиклашга қаратилган бўлиши керак.
8. Аввал тавсия қилинганидек, сайлов жараёнининг очиқлиги ва ҳисобдорлигини ошириш учун фуқаролик жамиятининг партиясиз ташкилотларига кузатув олиб боришни рухсат берувчи тузатишлар қонунга киритилиши керак.
9. Сайлов натижалари борасида очиқлик ва ишончни ошириш учун дастлабки ва якуний натижалар олиниши билан сайлов участкалари ва округлари бўйича тақсимотда эълон қилиниши керак.

В. Бошқа тавсиялар

Ҳуқуқий-меъёрий асос

10. Қонун процессуал ҳуқуқбузарликларни ҳал этиш бўйича амалий натижалар берувчи механизмга айланиши учун сайловга оид маъмурий ишларни очиш жараёни борасида унга аниқлик киритилиши мумкин.
11. Мавҳумлик олдини олиш ҳамда ифода этиш эркинлиги борасидаги конституциявий кафолатлар тўлиқлигича тадбиқ этилиши мақсадида сайловга оид маълумотларни тарқатиш бўйича таъқиқларни қайта кўриб чиқиш тавсия этилади.

Сайлов бошқарув органлари

12. Хотин-қизларнинг сайлов маъмурий бошқармаси таркибида қарорлар қабул қилиш борасидаги иштирокини кенгайтириш масаласи кўриб чиқилиши мумкин.
13. Очиқликни (транспарентликни) ошириш чораси сифатида МСКнинг барча қарорлари ҳамда бошқа сайловга оид муҳим маълумотлар ўз вақтида оммага етказилишини, жумладан МСК веб-сайти орқали, таъминлаш зарур.
14. УСК аъзоларини батафсилроқ ва фойдаланувчи учун тушурнарлироқ бўлган йўриқнома материаллари билан таъминлаш ҳамда комиссиянинг барча аъзолари учун интерфаол ўқув машғулотларини ташкиллаштириш орқали сайлов соҳасидаги қонун ҳужжатларини ягоналаштирилган тартибда амалга тадбиқ этиш кучайтирилиши мумкин.
15. Сайлов жараёни фақатгина ваколатли шахслар томонидан бошқарилишини таъминлаш учун сайлов комиссияси аъзолари ва бошқа мансабдор шахсларнинг вазифалари ўртасидаги фарқлар аниқ кўрсатилиши лозим.
16. Овоз беришнинг махфийлигини таъминлаш мақсадида муддатдан олдин овоз беришда ҳам одатий бюллетенлардан фойдаланиш масаласи кўриб чиқилиши керак.

Сайловчиларни рўйхатга олиш

17. Қамоқ жазо муддатини ўтаётган фуқароларнинг, улар содир этган жиноятнинг оғирлигидан қатъий назар, сайлов ҳуқуқларини умумлаштирилган ҳолда чеклаш юқланган чекловлар ва жиноят оғирлиги ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш учун қайта кўриб чиқиши керак.
18. Солиштирма текшириш учун имконият яратиш ҳамда бир шахсни бир неча рўйхатга киритиш каби камчиликларнинг олдини олиш мақсадида марказлаштирилган сайловчилар рўйхатини тузиш масаласи кўриб чиқиши керак. Сайловчилар рўйхатларининг бир бутунлигини кенгайтириш мақсадида ҳокимият органлари сайловчиларни рўйхатга олиш борасидаги маълумотларни сайлов участкалари бўйича, шунингдек солиштириш ва текшириш вақтида киритилган ўзгартиришларнинг сони ва тури ҳақида тақдим қилиши мумкин.
19. Сайловчилар сайлов кунида рўйхатдан ўтишлари учун имкониятни бекор қилиш ҳамда сайловчилар рўйхатларини тузиш бўйича сўнги муддатни белгилаш масаласи кўриб чиқиши мумкин. Ушбу муддатдан сўнг тузатишлар фақатгина суд ёки юқори даражадаги сайлов комиссияси қарори билан киритилиши мумкин бўлади.

Номзодларни рўйхатга олиш

20. Сайловчилар бир партиядан кўпроғини қўллашларига рухсат бериш масаласи кўриб чиқиши мумкин.
21. Етарли миқдордаги имзолар тақдим этган партияларнинг барчаси рўйхатдан ўтишини ва имзоларнинг чекланган сонидagi хатолар туфайли ҳеч бир беллашувчи тарафлар сайловлардан чиқариб юборилмаслигини таъминлаш мақсадида МСК йўриқномаларига тузатиш киритилиши мумкин.

Сайловолди ташвиқотнинг молиялаштирилиши

22. Сиёсий партияларнинг молиявий ҳисоботларида партия томонидан ва алоҳида номзодлар томонидан қилинган сарф-ҳаражатларнинг аниқ тақсимоли кўрсатилишини белгилаб берувчи тузатишлар қонунчилик ҳужжатларига киритилиши масаласи кўриб чиқиши керак. Очиқликни янада ошириш мақсадида бундай ҳисоботлар билан омма танишиши учун ўз вақтида имкониятлар яратиш, жумладан Интернет тармоқғи орқали, ва эълон қилинган маълумотларда етарли даражада тафсилотлар мавжуд бўлиши ҳамда оддий халқ учун фойдали ва тушунарли бўлишини таъминлаш зарур.

ОАВ

23. Сайловолди ташвиқот бўйича ҳаққоний ва сиёсий жиҳатдан мутаносиб маълумотлар билан фуқароларни таъминлаш мақсадида Миллий телерадиокомпанияни жамоатчилик телевидениесига айлантириш масаласи кўриб чиқиши мумкин.
24. Фойдаланиш учун тенг имкониятларни таъминлаш мақсадида эфирга узатувчи оммавий ахборот воситаларини рўйхатга олиш вазифаси мустақил орган томонидан амалга оширилиши керак. Шунингдек, босма ва Интернет тармоғидаги ОАВлар учун рўйхатга олиш талабларини ҳамда хорижий ОАВлар билан ишловчи журналистлар учун аккредитация талабларини бекор қилиш масаласи кўриб чиқиши мумкин.

25. Сиёсий реклама ахборот кўрсатувлари ва бошқа дастурлардан ажралиб туриши учун уни аниқ белгилаб кўрсатиш масаласи кўриб чиқилиши керак.

Шикоятлар ва мурожаатлар

26. Сайлов натижаларини бекор қилиш учун объектив мезонларни белгилаш ҳамда бундай шикоятларни топшириш ва кўриб чиқиш муддатларини кўрсатиш мақсадида Сайлов тўғрисидаги қонунга тузатишлар киритилиши керак.

Сайлов куни

27. МСК сайловчилар рўйхати билан ишлаш бўйича аниқ ва батафсил процессуал йўриқнома чиқариши керак.
28. Сайловлардаги ҳисобдорлик даражасини ошириш чоралари сифатида натижалар борасида батафсилроқ маълумот берадиган натижалар ҳақидаги УСК баённомаси тузилиши қайта кўриб чиқилиши керак. Хусусан, эътибор сайловчилар рўйхатидаги ўзгартиришлар ҳақидаги маълумотларни, муддатидан олдин ва кўчма овоз бериш бўйича батафсил маълумотларни, шунингдек бузилган ва ишлатилмаган бюллетенлар сони бўйича маълумотларни киритишга қаратилиши керак. УСКлар ҳисоблаш тартиблари ва натижалар ҳақидаги баённомани тузиш бўйича қўшимча ўқув машғулотларидан фойда олишлари мумкин.

ИЛОВА: ЯКУНИЙ САЙЛОВ НАТИЖАЛАРИ

Сайловга қўйилган 135та ўриндан 113таси номзодлар томонидан биринчи давра овоз берилишида эгалланди, 22та қолган ўринлар 2015 йил 4 январь куни ўтказилган иккинчи давра сайловларида тўлдирилдилар. Бундан ташқари, 15та ўрин Ўзбекистон Экологик ҳаракати учун ажратилди.

Партия	Ўринлар сони
Ўзбекистон Либерал-демократик партияси	52
Ўзбекистон <i>Миллий Тикланиш</i> Демократик партияси	36
Ўзбекистон Халқ демократик партияси	27
Ўзбекистон <i>Адолат</i> Социал-демократик партияси	20

ЕХХТ/ДИИХБ ҲАҚИДА

Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюро (ЕХХТ/ДИИХБ) иштирокчи давлатларга “инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларни тўлиқ тўминлашда, қонун устуворлигига риоя қилиш ва, демократик тамойилларни рағбатлантириш ва (...) демократик институтларни шакллантириш, мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилишда ҳамда бутун жамият кўламида чидамлилиқни ривожлантиришда” ёрдам кўрсатишга чақирилган ЕХХТнинг асосий институтидир (1992 йилдаги Хелсинки саммити хужжати). Бу ЕХХТнинг инсоний ўлчови ҳисобланади.

Варшавада (Польша) жойлашган ЕХХТ/ДИИХБ “Эркин сайловлар бюроси” номи 1990 йилдаги Париж саммитида ташкил этилган ва 1991 йил май ойида ўз фаолиятини бошлаган. Бир йил ўтгач инсон ҳуқуқлари ва демократлаштириш киритилиши билан Бюронинг ваколати кенгайиши туфайли унинг номи ўзгарди. Ҳозирги кунда Бюро штатида 130 нафардан ортиқ мутахассис бор.

ЕХХТ/ДИИХБ Европада **сайловларни кузатиш** соҳасида етакчи ташкилот ҳисобланади. Ҳар йили Бюро ЕХХТ минтақасида ЕХХТ доирасидаги мажбуриятлар, демократик сайловлар ўтказиш бўйича бошқа халқаро стандартлар ва миллий қонунчиликка мослигини баҳолаш учун минглаб кузатувчилар йўналишларини мувофиқлаштиради ва ташкил этади. Унинг ноёб услубияти сайлов жараёнининг барча жиҳатларини чуқур таҳлил қилиш имконини беради. Ёрдам кўрсатиш лойиҳаларини амалга ошириш орқали ЕХХТ/ДИИХБ иштирокчи давлатларга сайлов инфратизимини яхшилашга кўмак беради.

Бюронинг **демократлаштириш** бўйича фаолияти қуйидаги соҳаларни ўз ичига олади: қонун устуворлиги, қонунчилик соҳасида кўмак, демократик бошқарув, миграция ва кўчиш эркинлиги, ҳамда жинсий (гендер) тенглик. ЕХХТ/ДИИХБ ҳар йили демократик тузилмаларни ривожлантириш бўйича бир қатор аниқ мақсадга йўналтирилган дастурларни амалга оширади.

ЕХХТ/ДИИХБ, шунингдек, иштирокчи давлатларга ЕХХТ инсоний ўлчовлари соҳасида қабул қилинган **инсон ҳуқуқлари** ва асосий эркинликларини мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш бўйича уларнинг мажбуриятларини бажаришда кўмак беради. Бунга терроризмга қарши курашиш шароитларида инсон ҳуқуқларига риоя этиш, одам савдоси қурбонларининг ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш, инсон ҳуқуқлари соҳасида ўқитиш ва тайёрлаш, инсон ҳуқуқларининг риоя қилинишини мониторинг қилиш ва ҳисобот тузиш, шунингдек хотин-қизлар ҳуқуқлари ва уларнинг хавфсизлиги каби мавзувий соҳаларда ҳамкорликни рағбатлантириш, имкониятларни ривожлантириш ва тажриба алмашиш мақсадида кенг доирадаги ҳамкорлар билан биргаликдаги ишлар воситасида эришилади.

Бағрикенглик ва **таҳқирламаслик** соҳалари доирасида ЕХХТ/ДИИХБ нафрат, ирқчилик авж олиши, ксенофобия, антисемитизм ва бағрикенгсизликнинг бошқа шакллари билан курашишни фаоллаштиришни кўллаб-қувватлашда иштирокчи давлатларга ёрдам кўрсатади. Бағрикенглик ва таҳқирламаслик муносабатини таъминлаш бўйича ЕХХТ/ДИИХБ фаолияти қуйидаги соҳаларга қаратилган: қонунчилик, қонунларни амалга ошириш бўйича таълим, мониторинг ўтказиш, ҳисоботлар тайёрлаш ва нафрат асосидаги жиноят ва ҳодисаларга жавоб беришни таъқиб қилиш, шунингдек бағрикенглик, ҳурмат ва ўзаро тушунишни рағбатлантириш бўйича таълим тадбирлари.

ЕХХТ/ДИИХБ **рома** ва **синти** халқларига нисбатан сиёсати масалалари борасида иштирокчи - давлатларга маслаҳатлар беради. Бюро рома ва синти жамоалари имкониятлари ва муносабатларини ривожлантиришга имкон яратади ва рома ва синти вакилларининг ҳукумат органларида иштирок этишида ёрдам кўрсатади

ДИИХБнинг барча тадбирлари ЕХХТга аъзо давлатлар, ЕХХТ институтлари ва ўзга мамлакатлардаги миссиялари, ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар билан яқин мослик ва ҳамкорликда ўтказилади

Батафсил маълумотни ДИИХБнинг Интернет тармоғидаги сайтдан олиш мумкин (www.osce.org/odihr).